

Хабар

5

(906)-son

29-yanvar

www.xabar.uz
info@xabar.uz
xabar@uzpak.uz

2010

O'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISH AGENTLIGI NASHRI 1992-yil martdan chiqqa boshlagan

РАҚАМЛИ ТЕЛЕВИДЕНИЕ:

Қувончли натижалар, улкан истикболлар

- **Рақамли телевидение энг истикболли телевидениядир.**
- **Рақамли телевидениеда битта аналог канал эгаллаб турган полосага 10дан ортик канални жойлаштириш имкони бор.**
- **Давлатимиз рахбари ташаббуси билан Ўзбекистон Республикасида рақамли телевидение таркатиш Концепцияси ишлаб чиқилди.**
- **Ушбу концепцияга мувофиқ, Тошкент ва Бухоро тажрибавий хуудларда рақамли телевидение курилмалари ўрнатилиб, 2008 йилнинг 1 сентябридан рақамли теледастурлар эфирга узатила бошланди.**
- **2015 йилда республикамизнинг барча хуудларида тўлиқ рақамли узатишга ўтиш белгиланган.**
- **Тошкент шаҳридаги 12та теледастурлардан иборат пакет "Ўзбектелеком" АК "Шахарлараро алоқа корхонаси" филиали каналининг 34 Мбит/с тезлигидаги рақамли потоки орқали Бухорога узатилмоқда.**
- **2010 йилнинг биринчи чорагида Тошкент шаҳрида ўрнатиладиган яна учта рақамли телеузатгичлар 40та телевизион канални ташкил этиш имконини беради.**

3-бет



Сўнгги янгилик!



Алоқа оламида:

Лунд университети (Швеция) профессори

Эрик Уоррент Toyota

автомобилсозлик корпорацияси мутахассислари билан ҳамкорликда рангли тунги кўриш камерасини ясашга муваффақ бўлди. Лойиҳанинг математик ҳисоб-китоблари университет ходимлари - Хенрик Малм ва Магнус Оскарссонлар томонидан ишлаб чиқилди.

Ҳашаротларнинг кўриш тамойилига асосланган мазкур камера келгусида ҳайдовчиларнинг кечаси автомобилни беҳавотир бошқаришларига замин ҳозирлайди.



TOYOTA

Ушбу сонда:

- Баркамол авлод тарбиясида АКТнинг ўрни 2
- Алоқа воситалари ва ахборот хавфсизлиги 5
- Первый договор по страхованию информационных рисков 6
- Компьютер вируслари ёки бемаъни мусобақаларнинг чеки борми? 11
- Улуғ ижод навалари 16

Теледастурлар, спорт, кроссвордлар

ИНТЕРНЕТ ҲАМКОРИМИЗ

UzNet
Internet Service Provider

— сифат рамзидир

Jumadan Jumagacha

Тошкент шаҳрида 26 январ куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг биринчи мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов иштирок этди ва путқ сўзлади. Сенат аъзолари яширин овоз бериш йўли билан Сенат Раиси лавозимига Илтизар Собировни, Раис ўринбосарлари этиб Мавжуда Ражабова ва Муса Ернйязовни сайладилар.

Тошкент шаҳрида 22 январ куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг биринчи мажлиси бўлиб ўтди. Депутатлар яширин овоз бериш орқали Дилором Тошмухамедовани Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Спикери этиб сайладилар. Шунингдек, Спикернинг ўринбосарлари ҳам сайланди.

Тошкентда 27 январ куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг кўшма мажлиси бўлиб ўтди. Кўшма мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов иштирок этди ва “Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш — устувор мақсадимиздир” мавзусида маъруза қилди. Мажлисида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири лавозимига Ш.Мирзиёев номзоди тасдиқланди.

Матбуотда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Баркамол авлод йили” давлат дастури тўғрисида”ги қарори эълон қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида Жиззах, Сирдарё, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг ўринбосарлари, маънавий-маърифий ишлар бўйича ёрдамчилари, туман ва шаҳарлар ҳокимларининг минтақавий семинари ташкил этилди.

Нукусда Германиянинг Халқаро ҳамкорлик бўйича жамғарма кассалар жамғармаси ҳамда Халқ банки ҳамкорлигида Тадбиркор аёллар маслаҳат маркази ташкил этилди. Айни пайтда марказ тадбиркорлик билан шуғулланишни йўлга қўйган кўп қизларга турли йўл-йўриқлар бериб, зарур ҳолларда амалий ёрдам ҳам кўрсатмоқда.

Ашхобод шаҳрида Савдо, иқтисодиёт, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорлик бўйича Туркменистон — Ўзбекистон кўшма комиссиясининг 5-йиғилиши бўлиб ўтди. Туркменистонда рус тилида нашр этиладиган “Нейтральный Туркменистан” газетасида йиғилиш яқунларига бағишланган “Туркменистон — Ўзбекистон: миллий манфаатларга уйғун ҳамкорлик” сарлавҳали мақола эълон қилинди.

Парижда Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 19 йиллигига бағишланган “Кўп қиррали мамлакат” ва “Муқаддас шаҳарлар” деб номланган икки қисмдан иборат ҳужжатли филм тақдироти бўлиб ўтди.

Баркамол авлод тарбиясида АКТнинг ўрни

Жорий йил 27 январ куни Ўзбекистон «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгашида «Баркамол авлод тарбиясида замонавий ахборот технологияларининг ўрни» мавзусида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

Бундан кўзланган мақсад жамиятимизнинг турли жабҳаларида ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида тўпланган тажрибани чуқур таҳлил этиш, мазкур йўналишда халқаро миқёсда эришилаётган ютуқларни ўрганиш ва мамлакатимиз ёшларининг бу борадаги билим ва кўникмаларини янада бойитишга кўмаклашишдан иборат.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директори Х.Муҳитдинов, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши раиси А.Алимов ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан замонавий ахборот-коммуникация

технологияларининг ютуқларидан оқилона фойдаланиш, ёш авлодни бу борадаги янгиликлар билан яқиндан таништириш ва уларнинг ўз салоҳиятини тўла намоеъ этиши учун барча шароитларни яратишга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Компютер нафақат иш жойларида, балки уйда ҳам фаолиятимизнинг муҳим бўлагига айланди. Ёшларнинг бу борадаги билим ва кўникмаларини янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида малакали кадрлар тайёрлаш мақсадида кўплаб коллеж ҳамда олий ўқув юртли фаолият юритмоқда. Иқтидорли ёшларни

излаб топиш ва интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш учун турли танловлар, анжуманлар, олимпиадалар ташкил этилаётди. Келажак эгаларининг замонавий ахборот технологиялари ютуқларидан тўғри ва оқилона фойдаланишини таъминлаш, бундай воқеаларнинг инсон онг-тафаккурига, саломатлигига етказадиган салбий таъсирининг олдини олиш, илм-фан ва техника янгиликларини жамият тараққиётига йўналтириш доимий эътиборда.

Анжуманда АКТ ютуқларини жамият ҳаётига татбиқ этиш, миллий медиа марказлар фаолиятини такомиллаштириш билан боғлиқ долзарб вазифалар, таълим ва ахборот-ресурс марказлари тизимида янги технологиялар ютуқларидан фойдаланиш истиқболлари, интернет тармоғидан фойдаланишни кенгайтиришга оид масалалар юзасидан маърузалар тингланди.

Aci.uz

Абонентлар сони кўпаймоқда

Бухорода “Билайн” ягона алоқа оператори оммавий ахборот воситалари ходимлари учун матбуот анжумани ўтказди.

Таъкидлаш жоизки, ўтган йили “Юнител” МЧЖ ва “Бузтон” компанияларининг интеграциялашуви натижасида “Билайн” имкониятлари янада кенгайди, унинг абонентлари сони 43 фоизга ошди. Ташки савдо тармоғи миқдори кўпайди. Жорий 2010 йилда ҳам бир қатор истиқболли вазифаларни амалга ошириш кўзда тутиляпти. Мамлакатимизнинг бир қатор ҳудудларида, жумладан, Учкулдук, Навоий ва Самарқанд шаҳарларида оптик толали тармоқларни ўтказиш ана шундай устувор вазифалардандир. Бундан ташқари, корпоратив бозордаги ишларни амалга ошириш ҳам эътиборда бўлади. Ҳар бир ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ва табиий имкониятларини тўлиқ ҳисобга олган ҳолда тегишли тарифларни ишлаб чиқиш режалаштирилган.

“Юнител” МЧЖ Жануби-Ғарбий ҳудудий филиали директори Фулом Ортиқов, “Юнител” МЧЖ жамоатчилик билан алоқалар бўйича катта менежери Ораз Абдуразоқов ва бошқалар муҳокама этилган масалалар бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб, 2009 йилда бажарилган ишлар ва келгусидаги вазифалар ҳусусида батафсил тўхталдилар.

Асқар ИСТАМОВ,

“Xabar”нинг Бухоро вилоятидаги мухбири

Кутубхонага KaDaTa ўрнатилди

Бугунги кунда ахборот-кутубхона ёки ахборот-ресурс марказида бўлган киши бундан уч йил илгариги ҳолатга ўхшамайдиган жараённи кўриши тайин. Хусусан, кутубхоначиларимиз аввалгидай бир жойда фойдаланувчи келишини кутиб ўтирганлари йўқ. Балки ахборот асри талабларига мос амалий ҳаракат билан доимо банддилар.

Ахборот-кутубхона марказларининг вазифаларидан бири ахборот-ресурсларни йиғма каталогларда жамловчи маълумотлар базасини ва электрон кутубхона яратишдир. Яқинда марказимизга Ёш дастурчиларни кўллаб-қувватлаш маркази томонидан KaDaTa V2.0 дастурий таъминоти ўрнатилиб, ходимларимизга дастурдан фойдаланиш, дастурнинг афзалликлари ҳақида икки кунлик ўқув машғулотлари ўтказилди. Унинг қулайлиги ўзбек ҳамда рус тилларида бемалол ишлатиш мумкинлигидир.

Ҳозирги кунда ахборот-кутубхонамиз Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳамда Республика ахборот-кутубхона маркази кўмағида 23га сўнгги русумдаги компютер, рангли принтер, сервер, сканер ва нуска кўчириш аппаратлари билан таъминланган.



КаDaТа

ТАЙИНЛАШ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 22 январдаги 9-қарорига мувофиқ Асрор Асланович Ишанходжаев Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директорининг биринчи ўринбосари этиб тайинланди. Ҳозирги кунга қадар А.Ишанходжаев Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари ахборот-таҳлил департаменти мудир лавозимида ишлаган.

Ш.ХОЛИЁРОВ,

Адиб Собир Термизий номидаги Сурхондарё вилояти ахборот-кутубхона маркази директори

РАҚАМЛИ ТЕЛЕВИДЕНИЕ:

Қувончли натижалар, улкан истиқболлар

(Давоми. Бошланғиш 1-бетда.)

Рақамли технологиялар асрида яшаймиз. Сўнгги пайтларда тез тез ишлатаётганимиз — “рақамли” сўзи “акли” маъносига эга бўлиб қолди. Биз ҳаёлимизга келтирмаган имкониятлар, қулайликларни тақдим этаётган рақамли технологиялар ҳаётимизнинг ҳар жабҳасида бўй кўрсатишда давом этмоқда. Энди навбат рақамли эфир телевидениесига етиб келди.

Рақамли телевидение бизга қандай қулайликлар яратишини ҳатто тўлиқ тасаввур ҳам қила олмаймиз. Бундан, биринчи навбатда, телевизион каналлар сонини ошириш имкони туғилади. Аналог телевидениенинг частоталар захираси деярли тўлиқ ишлатилган. Битта аналог канал эгаллаб турган полосога эса 10дан ортиқ рақамли канални жойлаштириш имкони мавжуд. Бу кейинчалик телевизион каналлар сонини бир неча баробар оширишга замин яратади. Тасвир сифати анча яхшиланади. Эфирли рақамли телевидение сигналларини қабул қилиш учун ҳар хил кабеллар тортиш, томга антенналар ўрнатиш ҳам шарт эмас. Исталган ДМВ антенна сигналларни аниқ қабул қила олади. Шунингдек, қатор қўшимча хизматларни жорий этиш ҳам мумкин. Масалан, Буюк Британияда томошабин ўз ўрнидан қўзғалмасдан аъён навий телекўрсатувларни томоша қилишдан ташқари, электрон ва факсимил хабарларни қабул қилиш ва жўнатиш; маълумотлар базасидан фойдаланиш, футбол баҳсини кўраётганда стадионда ўрнатилган исталган камерани танлаш ва майдонни, ўйинни, футболчиларни ўзи истаган нуқтадан кузатиш; барча сўроғнома ва овоз беришда иштирок этиш; турли маҳсулотларни кредит карточкалари ёрдамида харид қилиш ва бошқа хизматлардан фойдаланиш имконига эга. Бу — пулик хизматларнинг бутунлай янги бозори бўлиб, унинг имкониятлари ва қўламини ҳали телеузатиш билан шуғулланувчиларнинг ўзлари ҳам тўлиқ чамалаб улгуришгани йўқ. Демакки, телеузатиш билан шуғулланувчи корхоналар учун ҳам қўшимча даромад топишнинг бир қатор йўллари вужудга келади.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан мамлакатимизда телекоммуникация тармоқларини ривожлантиришга оид тегишли ҳукумат қарорлари қабул қилинган. Шу асосда Ўзбекистон Республикасида рақамли телевидение тарқатиш концепцияси ишлаб чиқилган.

Ушбу концепцияга мувофиқ, 2007 йили Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги томонидан республика ҳудудида рақамли телевидение тарқатиш тизимларига ўтишга, яъни Тошкент ва Бухоро шаҳарларида рақамли телевидение тарқатиш тажрибавий ҳудудларини яратишга киришилди.

Шу билан бирга, 2006 йили Женевада Халқаро электралоқа иттифоқи доирасида ўтказилган Худудий радиоалоқа конференциясида 174–230 МГц ва 470–862 МГц радиочастота полосаларида рақамли узатишни ривожлантириш бўйича режа қабул қилинган бўлиб, мазкур режага Ўзбекистон учун 817 частота ажратмалари киритилган. Ушбу режани амалга оширишга тайёргарлик доирасида кейинчалик барча вилоят марказларида рақамли узатиш билан қамраш ишлари давом эттирилиб, 2015 йилда республика-камиз бўйлаб тўлиқ рақамли узатишга ўтилиши белгиланган.

Ер устки эфирли рақамли телевидение тарқатишнинг асосий мақсади — бу кўп дастурли телевидение, телевидение дастурларини тарқатиш хизматларининг сифат кўрсаткичларини яхшилаш, интерактив хизматларни кўрсатишни йўлга қўйишни таъбиқ этиш, юқори андиқликдаги телевидение видосасвирларини узатишдан иборат.

Бугунги кунда дунёнинг бир қатор ривожланган мамлакатларида, хусусан, кўпгина Европа мамлакатларида ер устки рақамли телевидениенинг DVB-T (Digital Video Broadcasting) стандартидан фойдаланилмоқда. Шунини айтиб ўтиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Марказий Осиёда биринчилардан бўлиб MPEG-4 видеосасвирни сиқий стандартини жорий этган.

2007 йилнинг июн-июл ойларида рақамли телевидение дастурларини тарқатиш қурилмаларини etkazиб берувчилар ўртасида тендер савдолари ўтказилди. 2007 йил 20 августда Тошкент ва Бухоро шаҳарларида ер устки рақамли телевидение тажрибавий ҳудудини яратиш мақсадида Япониянинг «NEC» ва Германиянинг «Роде Шварц» компаниялари усқуналарини etkazиб бериш учун иккита тенг кучга эга шартномалар тузилди.

Тошкент ва Бухоро тажрибавий ҳудудларида рақамли телевидение дастурларини тарқатиш қурилмаларини ўрнатиш ишлари бажарилиб, 2008 йилнинг 1 сентябридан бошлаб рақамли телевидение дастурлари тест тартибда эфирга узатила бошланди.



Бугунги кунда Тошкент шаҳридаги 12та теледастурлардан иборат пакет “Ўзбектелеком” АК “Шаҳарлараро алоқа корхонаси” филиали каналнинг 34 Мбит/с тезлигидаги рақамли потоки орқали Бухорога узатилмоқда.

“Республика радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение маркази” ДУК расмий веб-сайтида эълон қилинган маълумотга кўра, мамлакатимизда рақамли телевидение қамровини кенгайтиришда давом этилади. Жумладан, жорий йилда Қорақалпоғистон Республикаси, Самарқанд, Андижон ва Қашқадарё вилоятларида рақамли телевизион узаткичлар ўрнатиш ва синов эксплуатациясига тошшириш режалаштирилган.

Шунингдек, 2010 йилнинг биринчи чорагида Тошкент шаҳрида яна қўшимча учта рақамли телеузаткич ўрнатилиши кўзда тутилмоқда. Бу 40та телевизион канални ташкил этиш имконини беради.

Албатта, рақамли телевидениени қабул қилиш учун телевизорлар шунга мўлжалланган бўлиши керак. Аммо ҳозир биз ишлатаётган телевизорлар бундай имкониятга эга эмас. «TELMAX ELEKTRONIKS» ИЧК МЧЖ томонидан ишлаб чиқарилган рақамли сигналларни қабул қилувчи Set-Top-Box DVB-T1000MP4 тюнери мавжуд муаммо ечимини ҳал қилишга кўмак беради.

«TELMAX ELEKTRONIKS» ИЧК МЧЖ бош муҳандиси Абдуғани Мавлоновнинг билдиришича, рақамли телевидениенинг имкониятлари фақат телевидение билан чекланишни аниқламайди. Келгусида кўплаб қўшимча хизматлардан фойдаланишимиз мумкин. Масалан, юқори тезликдаги интернетдан фойдаланиш, FM радиоканалларини тинглаш, сеvimли фильм, спорт ёки концерт дастурини истаган пайтда бюортма бериб кўриш мумкин. Энг асосийси, бунда юқори сифат кафолатланади. Корхона “Республика радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение маркази” ДУК бюортмаси асосида 1000дан ортиқ ТВ-тюнер ишлаб чиқарган. Бу борадаги ишлар давом эттирилмоқда.

ТВ-ТЮНЕР. У НИМА?

Set-Top-Box DVB-T1000MP4 замонавий ТВ-тюнер бўлиб, DVB-T MP4 стандартидаги сигналларни қабул қилади. Рақамли узатиш сифати аналоглига қараганда сезиларли тафовутга эга, бунга каналларни тўғрилаб чиқиб, лавҳаларни кузатиш давомида амин бўлиш мумкин. Қурилма жамланмасидан қабул қилгич (приёмник), масофадан бошқариш пулти, аудио+видеокабел (A/V) ўрин олган. Қабул қилгич менюси рус тилида (ўзбекчаси устида ишланган) бўлгани учун ишлатишга осон. Антенна қурилмага уланганидан сўнг, тармоққа боғланади. Йўриқнома асосида каналлар тўғриланади. Бу қўлда ёки автоматик равишда бажарилиши мумкин. Каналларни ўрнатишдан олдин антенна сифати ва сигнал қабул қилиш даражаси меъёрда эканлигига ишонч ҳосил қилиш лозим. DVB-T MP4 қабул қилгич аналогли ва рақамли узатиш стандартларида ишлай олади. Масалан, Тошкент шаҳрида ишлатилганида у 12та очиқ канал (маҳаллий — ЎзТБ-1, “Ёшлар”, “Тошкент”, “Спорт”, Россия — “Первый”, “Россия”, “Культура”, НТВ, ТНТ, “Домашний”, Муз.ТВ ва “Россия-Спорт”)ни автоматик равишда қабул қилади. Қабул қилиш сифати аъло даражада. Кейинчалик, рақамли узатиш тўлиқ йўлга қўйилса, 12тадан жами 36та канални пакетли қабул қилиш мумкин. Созлаш пулт, шунингдек, қурилманинг олд қисмида жойлашган тегишли тўғмалар орқали бажарилади.


Xalqaro hayot



НЕФТ ДЕНГИЗГА ТЎКИЛДИ

Мексика кўрфазидида иккита юк кемаси тўқнашиб кетди.

AFP ахборот агентлигининг хабарига кўра, кўнгилсизлик Порт-Артур бандаргоҳи яқинида содир бўлган. Оқибатда кемалардан бирининг бортидаги 450 минг галлон (1,7 миллион литрга яқин) нефт сувга тўкилиб кетган. Ушбу ҳудудда сувни тозалаш ишлари олиб бориляпти.



КЕТМА-КЕТ КЎПОРУВЧИЛИКЛАР


CNN телеканали хабар беришича, Ироқ пойтахти Бағдод шаҳрида бир неча кўпоровчилик ҳаракати содир этилган.

Мамлакат ички ишлар вазирилик маълумотларига кўра, портлашлар “Фаластин”, “Вавилон”, “Шератон” ва “Ҳамра” меҳмонхоналарида содир бўлган. Баъзи жойларда жангарилар ҳужуми натижасида қирққа яқин одам ҳалок бўлган, етмиш нафарга яқин киши эса жароҳатланган. Ҳозирча мазкур хунрезликларни бирор гуруҳ бўйнига олгани йўқ.

Ericsson ХОДИМЛАРИНИ ҚИСКАРТИРАДИ

Швециянинг Ericsson телекоммуникация корпорацияси яқин муддат ичида 6,5 минг нафар ходимини ўз вазифасидан озод этмоқчи.

Таҳлилчилар буни корпорациянинг иқтисодий аҳволига боғлашмоқда. Гап шундаки, Ericsson 2009 йилда 314 миллион крон (30,7 миллион евро) миқдорда даромад кўрган, ammo бу кўрсаткич аввалги йиллардагига нисбатан анча пастдир. 2008 йилда корпорация даромади 3,89 миллиард кронни ташкил этганди. Бундан ташқари, ўтган йил якунида унинг маҳсулотлари сотуви 13 фоизга тушиб кетганди.



ЁМҒИР КЕЛТИРДИ ТАШВИШ

Перунинг сайёҳлик маркази ҳисобланган Мачу-Пикчу шаҳри сув тошқини остида қолди.

Тошқинларга қарийб бир ҳафтадан бери ёғаётган тинимсиз ёмғир сабаб бўлган. Шаҳар инфратузилмасига жиддий зарар етган. Вазият қалтислиги боис бу ерга Европа, Шимолий ва Лотин Америкасидан келган икки мингдан ортиқ сайёҳлар хавфсиз ҳудудга кўчирилган. Ҳудудда фавқулодда ҳолат эълон қилинди.

ФИРИБГАРЛИК ОҚИБАТИ

Буюк Британиянинг фирибгарликка қарши курашиш агентлиги таҳлилларига қараганда, мамлакат иқтисодиёти ўтган йили товламачиликдан 30 миллиард фунт стерлинг миқдоридан зарар кўрган.

Фирибгарликларнинг 58 фоизи давлат ташкилотларида, 31 фоизи эса хусусий тармоқ корхоналарида қайд этилган. Кўзбўямачиликлар асосан солиқларни тўлаш, сугурта ва ипотека тизимлари билан боғлиқ.



Интернет материаллари асосида тайёрланди

INTERNET

ХАРИДОРГИР ДОМЕНЛАР

Иккинчи даражали домен номлари бозоридида йирик савдолар амалга ошди. Германиянинг Free-sms.de домени 115 минг долларга сотилди. У Credit.fr (850 минг доллар) ва “ошпазлик ва ўйинлар” сайти — CookingGames.com (350 минг доллар)дан сўнг учинчи ўринга кўтарилди.

Умуман олганда, Германия домени энг харидоргир ҳудудлардан саналади. 2008 йили Shopping.de 2,8, 2009 йили Kredit.de 1,275 миллион долларга сотилганди.

БОЙЛАР УЧУН ТАНИШУВ САЙТИ

Хитойда бойлар учун танишув сайти очилди. Унда рўйхатдан ўтиш учун 300 минг юан (тахминан 44 минг доллар) тўлаш лозим. Сайт асосчиси Сюй Тянининг айтишича, мақсад хитойлик бойлар тоифаси учун ҳамма талабларга жавоб берадиган умр йўлдоши топишда ёрдам беришдир.

Бу ҳаммаси эмас. Сайтда рўйхатдан ўтувчи камиди 2 миллион юан (292 минг доллар) жамғарма эгаси, наслнасаби тоза, ташқи кўриниши бийонидек бўлиши лозим.

Дарвоқе, сайтнинг номи Golden Bachelor («Олтин бўйдоқ») бўлиб, ҳозиргача 5 миллионга фойдаланувчи рўйхатга олинган.

ИНТЕРНЕТ ОРҚАЛИ НИКОҲ

Эстонияда интернет орқали никоҳдан ўтиш ғояси қизгин муҳокама қилиняпти. Мамлакат ички ишлар вазири Марко Померанц янгилик тарафдорларидан биридир.

“Онлайн никоҳ” ғояси муаллифларидан бири — Тарту университети ходими Катре Сакаланинг таъкидлашича, никоҳдан ўтиш жараёнининг осонлаштирилиши қонуний бирга яшовчилар сонини оширишга хизмат қилади.

МАКЕДОНИЯЛИК “ТИЛЛА” БОЛА

Македониялик Марко Чаласан олти ёшида Microsoftнинг энг ёш тизим маъмури сертификатини, саккиз ёшида эса Microsoft Certified Professional сертификатини қўлга киритганди. Бу йил — тўққиз ёшида Microsoft Certified Systems Engineer (тизим муҳандиси) учун имтиҳондан муваффақиятли ўтди.

Марко нотижорий ташкилотларнинг бирида компютер тармоғини бошқаришдан ташқари, ўзи ўқийтган мактабда 8-11 ёшли болалар учун компютер саводхонлиги дарсларини ўтмоқда.

Унинг сўнгги ишларидан бири кучсиз алоқа каналлари орқали телевидение сигналларини сифатли узатиш соҳасида бўлди.

Дарвоқе, ёш мутахассис беҳуда вақт сарфлаш деб компютер ўйинларини умуман ўйнамас экан.

Siemens ЎЗ РЕКОРДИНИ ЯНГИЛАДИ

Siemens ўз рекордини янгиледи: компания муҳандислари Генрих Герц институтидаги ҳамкасблари билан ҳамкорликда оқ ёруклик диодлари ёрламида рақамли маълумотларни 500 Мбит/сония тезликда трансляция қилишга муваффақ бўлишди.

Албатта, бу лаборатория шароитида юз берди, бироқ муаллифлар бештагача ёруклик диодини қўлаш орқали ахборотни узоқ масофага 100 Мбит/сония тезликда узатиш мумкинлигини исботлашди.

ALOQA OLAMIDA

MOBIL ALOQA

ТЕЛЕФОННИНГ САЛМОҒИ ЙЎҚ

Филиппинда дунёдаги энг енгил мобил телефон аппаратлари сотувга чиқди. Янги аппарат маҳаллий Globe Telecom буюртмаси асосида Исроил компанияларидан бирида тайёрланяпти.

Modu деб номланган бу телефон 40,1 грамм оғирликка эга бўлиб, асосан овозли алоқа ва SMS-xabарларга мўлжалланган. Унинг хотирасига 2 гигабайтгача маълумот сиғади.

SALOMATLIK

КОМПЮТЕРДАН ЧИҚҚАН РАХИТ

Британиялик олимлар — профессор Саймон Пирс ва доктор Тим Читхем компютерда ўйин ўйнашга кўп вақтини сарфловчи болалар рахит касаллигини орттириши мумкин, деган ҳулоасага келишди.

“Замонавий болалар кўчада тоза ҳаводан баҳраманд бўлиш ўрнига уйда компютер ўйнашни афзал кўришади. Оқибатда уларда D витамини етишмаслиги келиб чиқади, — деб ёзади Читхем. — Рахитнинг кейинги пайтларда кўпайиб кетаётганлиги сабаби шу эмасмикин”.

JAMIYAT

TEKNOLOGIYALAR

ЯНГИ МУСИҚИЙ ШАКЛ

MP3 шакл ҳамда биринчи MP3-плеер муаллифлари (норвегиялик Дагфинн Бах, германиялик Карлхайнц Бранденбург ва бошқалар) рақамли янги мусиқий шакл — MusicDNA тақдимотини ўтказишди.

MusicDNA нафақат муסיқа, шунингдек, қўшиқ матнлари, видеороликлар, санъатда оид турли манбалар, ҳатто мусиқий асарга бағишланган блоглардаги постларни ўз ичига олади.

Кейинги пайтларда оммавий ахборот воситалари саҳифаларида даврий тараккиёт билан бир паллада ягона глобал инфор­мацион ҳудуд вужудга келаётгани, бу ўзига хос жараённинг ижобий ва айрим салбий хусусиятлари тўғрисида мулоҳаза юритилган мақо­лалар эълон қилина бошлади. Алоқа воситаларининг ас­рошларимиз оғирини ен­гил қилаётгани, замондошимиз дунёнинг исталган жойидан ахборот олиш ва узатишга муваф­фак бўлаётгани оддий ҳол бўлиб қолди. Маълумотларга караганда, бугунги кунда республикамизда мобил телефондан фойдаланувчилар сони ўн беш миллиондан ортиқ экан. Хуллас, техника тараккиёти шу қадар шиддатлики, унинг суръатини ҳатто тасаввуримизга сиғира олмай­миз.

Тасдиғий бир мисол: бундан атиги эллик йил аввал 30 варақ матнни 5 минг км. масофага почта орқали юбориш учун ками­да ўн кун вақт ва 30 доллар, 20 йил аввал бу иш учун факсдан фойдаланиб бир соат вақт ва 50 доллар керак бўлган экан. Бугун эса ушбу ишни амалга ошириш учун 3 сония вақт ва 3 центга яқин маб­лағ кифоя экан, ҳолос. Бу шун­и кўрсатадики, ахборот тарқатиш қиймати минг маротаба камайди ва тезлиги 300 минг маротаба ортди.

Биз ана шу мантиқдан келиб чиқиб, ижтимоий ҳаётда компютер ва мобил телефон им­коният­лари ҳаддан зиёд кенгайиб бораётгани, бунинг на­тижасида юзага келаётган айрим муаммолар ху­су­си­да фикр юритмоқчимиз. Сирасини айтганда, компютер ва уяли телефоннинг жамият ҳаётида қулайликлар яратиши, ўзаро мулоқотларнинг та­комиллашишига хизмат қилиши шубҳасиз. Бироқ бугунги кунга келиб, одамларнинг, айниқса, ёшларнинг компютер ва мобил телефонга бутун­лай боғланиб қолаётгани кишини беихтиёр таш­вишга ҳам солади. Журналист Л.Турсуновнинг “Адабиёт ва интернет” (“Xabar”), А.Аҳмедовнинг “Ўзлигини” йўқотган интернет” (“Xabar”), А.Му­хаммадиевнинг “Бо­лан­гиз қаерда, биродар?!” (“Xaёт”), Ф.Бўтаевнинг “Уяли телефоннинг уят­ли “томошаси” (“Халқ сўзи”), Ф.Эгамовнинг “Ҳозирги ёшлар” ёхуд муаммонинг ил­ди­зи қаер­да?” (“Xaёт”) мақо­ла­лари ёшлар ва алоқа восита­лари муносабатларига бағишланган бўлиб, дол­зарб мавзуга қуйин­чак­лик билан ёндашилади.

Улардан келиб чиқадиган ягона хулоса шуки, инсон алоқа воситалари учун эмас, алоқа восита­лари инсон учундир. Бироқ ана шу оддий ҳақиқат­ни баъзан унутиб қўйётганга ўхшаймиз.

Биргина симсиз гўшакнинг бир пайтнинг ўзида оламжаҳон ва­зифаларни бажараётгани, яъни ха­барлар жўнатиш, мусиқа, радио тинглаш, су­рат­га олиш, видеотасвирга тушириш, фильму кино­лавҳаларни намойиш этиш, интернетга ва ҳатто телеканалларга ула­ниш каби им­кониятларининг борлигини ўйлаб кўрайлик. Юз йиллар да­вомида не-не машаққатлар билан ўйлаб топилган тех­ни­кавий кашфиётлар митти бир қутига йиғилиб, унинг ичига жо бўлиб турибди.

Айни чоғда компютер ва мобил телефон им­фан ва маданият ривожига кучли таъсир кўрсат­моқда. Ахборот олиш, ахборот узатиш ва тарқатиш, унга қайта ишлов беришнинг тезкор суръа­ти натижасида илмий-тадқиқот ишларини олиб бо­риш ян­гича маъно-мазмун касб эта бошлади. Яқин ўтмишда йилларга қадар чўзилган илмий тадқи­қотларни санокчи ойлар, ҳатто кунларда амалга ошириш истиқболлари пайдо бўлди.

Бироқ, ҳар тўқисда бир айб деганларидек, мўъжизаскор воситалардан фойдаланиш­нинг салбий томонлари ҳам кўзга ташланмоқда. Бу, биринчидан, ахборот оқимининг узлуксиз қабул қилиниши билан, иккинчидан, ёшлар онги, соғлиги ва тарбиясига салбий таъсири билан боғ­лиқ. Биринчи масаланинг моҳияти шундаки, ах­борот оқими аҳоли турли қатламларига қандай кириб бормоқда? Ахборотларнинг сарагини сара­ка, пучагини пучакка ажратишнинг им­конияти мавжудми? Айтайлик, боғча ёшидаги, бошланғич синф ёшидаги, ўсимир ёшидаги болалар компютер ва мобил телефондан қай даражада фойдаланмоқ­да ва қай даражада фойдаланиши зарур?

Бу каби саволлар соҳа мутахассислари – пе­да­гоглар, руҳиятшунослар, социологлар, мураббий­лар, журналистлар ва ахборот технологиялари му­та­хассислари томонидан илмий ўрганилиши, жўя­ли жавоблар топилиши, амалга ошириладиган иш­лар кўла­ми аниқланиб, баҳамжihatлик билан,

Алоқа воситалари ва ахборот хавфсизлиги



режа асосида чора-тадбирлар белгиланиши лозим. Гап шундаки, жаҳонда ҳозир энг кичик ёшдаги болалар – ҳатто боғча болалари ҳам телефонга ўр­ни­б, қўниқиб яшаш йўлидан бормоқда. Мисол учун, Германияда 6-13 ёшли болаларнинг ҳар бешинчисида мобил телефон бор. Бу жараён­дан биз­нинг республикамиз ҳам четда эмас, албатта. Яъни, мактаб ёшидаги болаларимиз ҳаётига ҳам телефон ғоят жадал суръат билан кириб бормоқда. Табиий­ки, бу глобал жараён ва уни тўхтатишнинг сира иложи йўқ. Таққиллаш эса муаммонинг оқилона ечими бўлолмайди.

Иккинчи масала, алоқа воситаларининг эко­логик муаммолари десак, хато қилмаган бўламиз. Мобил телефон тарқатадиган радиация, соҳа му­та­хассислари ўтказган тажрибаларнинг натижа­ла­рига караганда, инсон танаси, айниқса, гўдақлар, ёшлар миясига катта таъсир кўрсатиб, уларнинг нормал ўсиш жараёнини издан чиқаради. Оқибат­да суяклар ўсишдан тўхтайдди, мия ва бошқа жой­ларда ўсимталар пайдо бўлиш хавфи туғилади. Хо­тира сусаяди, иммунитет тушиб кетади. Саратон касалигига чалиниш хавфи пайдо бўлади.

Телефон тўфайли ёш болаларда жиззаклик, руҳий тушқунлик, лоқайлик каби иллатлар юза­га келади.

Маълумотларда таъкидланишича, ҳозирги пайт­да жаҳон интернет тармоғи шунчалик ривожланиб кет­ганки, дунё бўйича сонияда 20 миндан ортиқ сайтлар очилмоқда. Бу сайтлардан исталган соҳага доир исталган ахборотни топишимиз мумкин.

Маълумки, биз хизмат қилаётган ТАТУ Фар­гона филиалида бакалаврият ва магистратура бос­қичларида ахборот технологиялари ва телекомму­никация йўналишлари бўйича малакали мутахас­сис кадрлар тайёрлаб келинаётимиз. Ўқув-тарбия жа­

раёнини ташкил этишда бўлажак мутахассислар­нинг ҳар жиҳатдан етук, билимдон, ҳушёр, ин­тел­лектуал салоҳият эгаси этиб тарбияланиш­ла­рига алоҳида эътибор бераймиз. Ҳақиқатан ҳам, ахборот технологиялари йўналиши бўйича олий маълумот олаётган талаба ўзи шуғулланаётган со­ҳанинг баланд-пасти, муаммолари ҳақида муайян тасаввурга эга бўлмаса, образли қилиб айтганда, “ахборотни жиловлай олмаса”, унинг яроқли ёки яроқсизлигини фарқлама­са, етук мутахассис ҳақидаги гаплар бекордир. Шуларни ҳисобга олиб,

мутахассисликка оид предметлар билан бирга, “Ахборот хавфсизлиги” фанининг ўқитилишига жиддий аҳамият қаратмоқдамиз. Айтайлик, уни шу соҳада катта тажриба ор­тиртган профессор-ўқиту­чиларнинг олиб бориши жуда муҳим. Хусусан, фи­ли­али­ми­зда бу фан бўйича машғул­отлар олиб бо­раётган техника фанлари доктори Д.Ахбаров ах­борот тизимларини бошқариш ва ҳимоялаш ма­са­ла­лари­га бағишланган янги дарслик ва ўқув қў­ла­намаларининг муаллифидир.

Масала баъзилар ўйлагандан кўра ҳам дол­зарброк экани шу билан изоҳланадики, кейинги 3-4 йил ичида “ахборот хавфсизлиги” тушунчаси­нинг ўзи фаоллашиб, мазмунан кенгайиб кетди.

Хавфсизлик – ҳаётимизнинг биз ҳар куни тўқнашадиган муҳим жиҳати. Биз табиатан қим­мат­баҳо нарсаларимизни беғона кўзлардан асрашга интиламиз, уни кўз-кўз қилишдан қочамиз. Бу­гунги “рақамли дунё”да ахборот ҳам ана шундай қим­матли ва бебаҳо. Ҳатто баъзан ахборот нархи кўпинча у жойлашган компютер тизими нархи­дан юз ва минг марта юқори бўлиши мумкин.

Муаллифлар жамоаси томонидан яратилган ва техника фанлари доктори, профессор С.Қосимов умумий таҳрири остида нашр этилган “Ахборот хав­фсизлиги” (Т., “Алоқачи”, 2008) ўқув қў­ла­намаси­да таъкидланганидек “Ахборотни ҳимоялаш муам­моси компютер тизимлари ва тармоқлари соҳасида фаолият кўрсатувчи мутахассислар ҳамда замонавий компютер воситаларидан фойдаланувчилар эъти­борини жалб этмоқда”. Чунки бугунги глобаллашув жа­раёнида ҳар бир фойдаланувчининг компютери қароқчи ҳужуми объекти бўлиши мумкин.

Ана шуларни ҳисобга олиб, ўқув юртимиз­да ахборот хавфсизлиги мавзуларига бағиш­ланган илмий-тадқиқот ишлари олиб боришга ҳам аҳамият бериб келинмоқда. Хусусан, 2009 йил март ойида ўтказилган талабаларнинг анъанавий илмий-амалий анжуманида шу мавзуга доир ўндан ортиқ маърузалар тингланди.

Хулоса шуки, интернет ақл-идрок, иймон-этиқод ва маънавият учун синов эканини, бир лаҳза бўлсин, унутмаслигимиз лозим. Интернет ва мобил телефондан қар ким ўз соҳаси учун, маъ­навий эҳтиёжи учун керакли, зарур, қимматли маълумотни олиши лозим. Демак, интернетга қан­дай мақсад билан кириш ғоят муҳим масала. Бун­дан келиб чиқадикки, алоқа воситалари орқали ахлоқимиз, диний қадриятларимиз ва миллий менталитетимизга зид материалларни ўзлаштириш – маънавиятимизга, бинобарин, келажагимизга катта зарар келтириши мумкинлигини ёшларга, ўқувчи ва талабаларга етказиш йўлларини изла­шимиз керак. Бу фикрлар, айниқса, ахборот тех­но­логиялари соҳасида етук мутахассис бўлиш ни­я­тида таҳсил олаётган талаба ёшларга кўпроқ та­ал­луқли деб ўйлайман. Юзага келаётган ахборот урушлари, киберҳужумлар, ахборот хавфсизлигига таҳдидлар ҳамда маънавий таҳдидларнинг олди олинмаса, баркамол авлодни тарбиялашдек ул­ғур вазифани муваффақиятли амалга ошириб бўлмайди.

Рустам ТЕШАБОВ,
ТАТУ Фаргона филиали директори

ПЕРВЫЙ ДОГОВОР ПО СТРАХОВАНИЮ ИНФОРМАЦИОННЫХ РИСКОВ

Страховая компания «ALSKOM» заключила первый договор по страхованию информационных рисков. Данный продукт был разработан в соответствии с решением Узбекского агентства связи и информатизации.



В соответствии с решением Узбекского агентства связи и информатизации с августа 2009 года было начато опытное внедрение вновь разработанного Центром научно-технических и маркетинговых исследований — «UNICON.UZ» и страховой компанией «ALSKOM» инновационного страхового продукта — страхование информационных рисков, сообщается на сайте компании «ALSKOM».

В качестве субъектов, в которых будет осуществляться внедрение, определен ряд организаций, предоставляющих телекоммуникационные, почтовые и интернет услуги, а также другие учреждения, осуществляющие деятельность в сфере связи и информатизации.

Экспертом по проведению аудита уровня информационной безопасности информационных систем, а также оценке стоимости информационных систем и ущерба, нанесенного в ре-

зультате страхового случая, определена Служба реагирования на компьютерные инциденты «UZ-CERT» при Центре «UZINFOCOM», а страховщиком — страховая компания «ALSKOM».

В ходе опытного внедрения в ряде субъектах согласно графику выполняемых работ проведена экспертиза безопасности информационных систем со стороны Службы «UZ-CERT» при Центре «UZINFOCOM» и подготовлен отчет по состоянию уровня информационной безопасности.

По договору страхования объектом страхования является программный комплекс, используемый для расчета электромагнитной совместимости. Возмещаются убытки, связанные с утратой, уничтожением или повреждением информации в резуль-

тате сбоев информационных систем вследствие ошибок при их проектировании, разработке, создании, инсталляции, конфигурировании, обслуживании или эксплуатации, а также компьютерных атак против страхователя со стороны третьих лиц.

Заключенный договор по страхованию информационных рисков свидетельствует о том, что данный инновационный страховой продукт востребован на рынке Узбекистана.

«ALSKOM» — страховая компания, осуществляющая свою деятельность с 1996 года. Предоставляет более 40 видов страховых услуг в добровольной и обязательной форме по классам страхового классификатора Узбекистана.

alscom.uz

«МТС-УЗБЕКИСТАН» – НАЦИОНАЛЬНЫЙ
ОЛИМПИЙСКИЙ КОМИТЕТ:

СОТРУДНИЧЕСТВО ПРОДОЛЖАЕТСЯ

В рамках данного сотрудничества компания МТС окажет поддержку Национальному олимпийскому комитету Узбекистана во время подготовки узбекских спортсменов к предстоящим XXI Зимним Олимпийским Играм 2010 года в Ванкувере, I Юношеским Олимпийским Играм 2010 года в Сингапуре, а также к 16-м летним Азиатским Играм 2010 года в Гуанчжоу.

«Мы верим в наших атлетов и в будущее спорта в Узбекистане. Последние победы наших соотечественников на международных спортивных аренах вселили гордость за свою страну в каждого жителя Узбекистана и укрепили уверенность в том, что наши олимпийцы и их тренеры будут и в дальнейшем прикладывать все усилия, чтобы достойно представлять Узбекистан на предстоящих соревнованиях», — отметил заместитель генерального директора по коммерции «МТС-Узбекистан» Н.Шадманов.

«Национальный Олимпийский комитет Узбекистана искренне благодарит компанию МТС за плодотворное сотрудничество и поддержку, оказываемую оператором связи в решении важнейших задач Национального олимпийского комитета. Уверен, что партнерство с МТС окажет нам содействие в популяризации спорта среди подрастающего поколения, а также поможет нашим спортсменам достичь еще больших успехов на международной арене», — отметил президент Национального Олимпийского комитета Узбекистана Малик Бабаев.

АЛЛО, «БИЛАЙН»!

НОВЫЙ ТАРИФ ВЫХОДИТ В ЭФИР

Единый оператор связи «Билайн» (ООО «Unitel» и СП ООО «Buzton») объявляет о запуске нового тарифного плана «Алло».

Основным преимуществом предложения является предельная простота его восприятия. Это сумовой тарифный план с льготной тарификацией исходящих звонков абонентам «Билайн» — всего 5 сум за минуту после нескольких минут разговора (в зависимости от региона).

Основные параметры тарифа «Алло»:

1. Тарификация 5 сум за минуту на исходящие внутрисетевые звонки:
○ после 1-ой минуты разговора для абонентов Джизакской, Наманганской, Самаркандской, Сурхандарьинской и Сырдарьинской областей

○ после 2-ой минуты разговора для абонентов Ташкента, а также Андижанской, Бухарской, Кашкадарьинской, Навоийской, Ташкентской и Хорезмской областей

○ после 3-ей минуты разговора — для абонентов Республики Каракалпакстан и Ферганской области.

2. Стоимость всех местных исходящих звонков — 35 сум за минуту;

3. Абонентская плата — 0 сум;

4. Стоимость всех входящих звонков — 0 сум;

Входящие вызовы с номеров местных операторов мобильной связи по-прежнему будут доступны при балансе «0» и ниже нуля. Данный тарифный план доступен только для абонентов предоплатной системы расчетов. Перейти на тариф «Алло» можно, набрав короткий код *110*35# (вызов).



ПЛАНШЕТ САМЫЙ ВАЖНЫЙ ПРОДУКТ APPLE

Глава Apple Стив Джобс возлагает большие надежды на планшет, передает ресурс TechCrunch. По данным источников, Стив Джобс остался в восторге от результатов работы над устройством и считает его самым важным продуктом компании.

Ранее аналитическая компания ChangeWave провела исследование, согласно которому 18% опрошенных американцев готовы приобрести планшет Apple сразу после его выхода. Из 3314 человек 14% респондентов сказали, что «скорее всего» купят устройство, а 4% — «обязательно» его приобретут.

Аналитики ChangeWave сообщили, что 75% тех, кто собирается купить планшет от Apple, готовы отдать за него более \$500. При этом 37% потенциальных покупателей согласны заплатить более \$700.

IPv4-АДРЕСОВ СОВСЕМ МАЛО

Организация NRO (Number Resource Organization), которая отвечает за координацию деятельности и представляет интересы пяти региональных интернет-регистраторов (RIR), официально заявила, что нераспределенными остались менее 10% всех доступных адресов IPv4-пространства.

В прогнозе, сделанном NRO в прошлом году, говорилось, что запас IPv4-адресов иссякнет уже в 2011 году. Однако, судя по актуальным данным об интенсивности роста регистраций новых адресов, «роковой день» наступит только в 2012-м. И, тем не менее, специалисты NRO призывают переходить на новый протокол IPv6 уже сейчас, дабы избежать спешки и проблем в будущем.

ГЛАВА SUN MICROSYSTEMS ГОТОВИТСЯ К ОТСТАВКЕ



Выходное пособие топ-менеджера составит 12 млн долл. Еще 5,1 млн долл. он получит за свои акции Sun.

НОВОСТИ В СФЕРЕ ИКТ

В РОССИИ ЭПИДЕМИЯ TROJAN.WINLOCK

Эпидемия троянцев семейства Trojan.Winlock набирает обороты, сообщила компания «Доктор Веб». В январе 2010 года количество россиян, пострадавших от вредоносных программ, требующих за разблокировку Windows отправить платное смс-сообщение, составило несколько миллионов.

С учетом того, что средняя стоимость смс-сообщения — 300-600 рублей, предположительные потери россиян от этого вида вредоносного ПО только в первом месяце 2010 года составили сотни миллионов рублей.

Генеральный директор Sun Microsystems Джонатан Шварц, скорее всего, покинет свой пост после того, как поглощение его компании корпорацией Oracle будет завершено.

Джонатан Шварц отдал документы в отдел кадров Sun в 1996 году. В 2006-м он сменил на главном посту легендарного крикуна Скотта Макнили. По мнению многих наблюдателей, г-н Шварца назначили на эту должность, поскольку его предшественник ни за что не решился бы на массовые сокращения и продажу компании, чьи рабочие станции, серверы и технология Java уже не могли конкурировать с продукцией IBM сверху и дешевыми компьютерами снизу. Несмотря на волну критики, Джонатан Шварц сделал все, что от него ждали акционеры.

Хабар + TV

ОБХАБОТ

- 5.55 Кӯсуатувлар дастури, 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
- 7.00 «Йилми».
- 7.10 Миллий сериал: «Турмуш чоррақаларида».
- 8.00 «Тахлинома».
- 8.45 - 9.25 «Маянавият» дастури.
- «Болалар сайраси»:
- 9.25 «Болалар дунёси».
- 9.45 «Муҳаббат вальси», Т/с.
- 10.55 «Сизнинг адвокатингиз», 11.00 «Ахборот».
- 11.15 «Фун».
- 11.25 «Ватан пойтахти».
- 12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
- 12.50 «Йилми».
- 12.55 Миллий кино: «Катта ойин».
- 14.00 «Ахборот».
- 14.20 «Ватанпарвар».
- 15.00 «Олам ва одам» дастури:
- «Яшил ҳазини».
- 15.55 «Шаҳк тароналари».
- 16.10 «Менинг оилам».
- 16.40 «Ўзбекистон табиати».
- 17.00 «Ахборот».
- 17.15 «Ортим бўйлаб» дастури:
- «Табиат билан юзма-юз».
- «Болалар сайраси»:
- 17.35 «Эртақлар - яшилликка етаклар».
- 18.00 «Сизнинг адвокатингиз».
- 18.05 «Олтин мерос».
- 18.15 Миллий сериал: «Умр мавзурлари».
- 18.50 «Қишлоқ шифокори».
- 19.15 «Иштирок».
- 19.20 «ТВ - шифокор».
- 19.25, 20.00, 20.55 Ёшлонлар.
- 19.30 «Ахборот», рус/».
- 20.10 Миллий сериал: «Хавф хилгалари».
- 20.45 «Ватанимни қўлайман».
- 21.00 «Ахборот».
- 21.40 2010 йил - Баркамол авлод йили.
- «Мен ёшдикман».
- 21.55 «Шимол ва жануб», Т/с.
- 22.55 «Йилми».
- 23.05 «Ўлдир», Б/ф.
- 23.55 - 00.05 Туги наволар.
- «Ўзбекистан».
- 00.05 Кӯсуатувлар дастури.
- 00.10 «Ватан пойтахти».
- 00.45 «Мен ёшдикман».
- 1.00 «Ахборот», рус/».
- 1.30 «Салом, ёшлар!» (Ешлар)
- 2.05 «Қишлоқ шифокори».
- 2.30 - 3.10 «Маянавият» дастури.
- 3.10 «Ватанпарвар» (Ешлар)
- 3.50 «Нафосат олами» (Ешлар)
- 4.00 «Ахборот».
- 4.30 Миллий сериал: «Турмуш чоррақаларида».
- 5.20 «Ўзбекистон табиати».
- 5.40 - 5.55 Тонги наволар.

- 06.55 Дастуринг очилиши
- 07.00 «Салом, ёшлар!».
- 07.40 «Давринг боласи».
- 07.40 «Мультанорам».
- 08.00 «Миллий сериал: «Чоррақаларида»
- 08.35 Наманган вилоят телерадиокомпанияси тақдими эвди.
- «Уста».
- 08.55 «Ўзбек адабиёти».
- 09.00 «Шероқ», Т/с
- 09.50 «Келахак галарии».
- 10.30 «Камолот» хабарлари».
- 10.10 2010 - Баркамол авлод йили: «Бугундан эсдалик».
- 10.30 «Афсона ва ҳақиқат».
- 11.20 «Хавфхис наволар».
- 11.30 «КЎСМАНУРА».
- 12.00 «Савги стратегияси», Т/с
- 12.50 «Бахтигини авайла».
- 12.55 «Томчида кўш».
- 13.00 «ДАВР», Ҳарфа яқини
- 13.30 «Давринг боласи».

ДУШАНБА — 1 ФЕВРАЛ

- 13.40 «Сув ҳам тугайдими?».
- 14.00 «Салом, ёшлар!».
- 14.30 «Йод мактаби».
- 15.40 «Ҳозирга-ҲМ».
- 15.25 «Илом канотлари».
- 15.55 «Баркамоллик сари».
- 16.00 «ДАВР».
- 16.10 «Давринг боласи».
- 16.20 «Миллий мультфильм».
- 16.40 2010 - Баркамол авлод йили: «Ешлар ва таълим».
- 16.55 «Миллий мерос».
- 17.00 «Менинг исимим маскара-беса», Б/ф.
- 17.05 «Тўқим».
- 18.50 «ЎзБ».
- 18.55 «Телетўғра».
- 19.00 «ДАВР».
- 19.30 «Савги стратегияси», Т/с
- 20.20 «Автопартуль».
- 20.40 «Хижоқ».
- 21.00 «Баркамол авлод».
- 21.40 «Шарқорак», Т/с
- 21.55 «Таскин».
- 22.00 «ДАВР».
- 22.30 Миллий кино: «Кичкина оддалар».
- 00.00 «Кий хавли».
- 00.10 «Афсона ва ҳақиқат».
- 01.00 «Орт тинчилиги».

- 19.45 Биатлон. Кубок мира.
- «Футбол шархи».
- 21.10 «Чемпионлик орузи».
- Миллий сериал премьераси.
- 21.40 «Хабарлар» (узб. тил)
- 22.05 Интерфутбол.
- 23.45 Теннис. Австралия очик чемпионати.
- 00.45 «Тунгиғи ошуда бўлсин!».

1 БИРИНЧИ

- 04.00 08.05 «Добро утро».
- 08.00, 11.00, 13.00, 14.00, 17.00, 23.00
- Новости
- 08.30 Малахов +
- 09.30 Модный приговор
- 10.25 Контрольная закупка
- 11.20 «Часток».
- 12.20 «Детективы».
- 13.25 Понять. Простить
- 14.15 Т/с «Обручальное кольцо».
- 15.05 «Давай поженимся!».
- 15.00 Федеральной судья
- 17.15 22.30 Т/с «Школа».
- 17.50 Т/с «След».
- 18.35 «Жди меня».
- 19.20 Т/с «Спальный район».
- 20.00 «Время».
- 20.30 Т/с «И всё-таки я люблю...».
- 21.30 «Выжившие за гранью».
- 23.10 «Поэзия».
- 00.15 Гении и злодеи

САХАРНИ

- 7.25 Кӯсуатувлар тартиби.
- 7.30 «Салом, Тошкент».
- 8.30 «Қувноқ севргарли», М/ф.
- 9.35 Мумтоз наволар.
- 9.50 «Смералда», Т/с 14-қисм.
- 10.20 «Банан лақаби йўлбарси», М/ф 7-қисм.
- 10.30 «Карвонсарой».
- 10.40 «Литатоние острова», Т/с
- 11.10 «Саргуаштлар ороғи».
- 11.35 «Кизилқоқ, қиёнда уйнашни хоҳлайсанми?» Б/ф.
- 13.00 «Салом, Тошкент».
- 14.40 «Дун» телестастури.
- 14.55 «Уйларим».
- 15.00 «Пойтахт».
- 15.15 «Смералда», Т/с 15-қисм.
- 15.45 «Мояий уммон қалъида».
- Х/ф - 1-қисм.
- 16.35 «Афсонаий мамлакат», М/ф
- 17.25 «Карвонсарой».
- 17.40 «Шикенда латифа».
- 17.50 «Уйларим».
- 18.00 «Пойтахт».
- 18.25 «Эгизаклар», Т/с 9-қисм.
- 19.20 «Тошкентнинг илм мақсатлари».
- 19.30 Миллий сериал: «Муҳаббатим қисимати», 14-қисм.
- 20.00 «Пойтахт».
- 20.20 «Бизанс» «Пойтахт».
- 20.25 «Ачиқ ёлғон», Т/с.
- 21.00 «Аёл қалби».
- 21.25 Мумтоз наволар.
- 21.30 «Пойтахт», рус/».
- 21.40 «Будьте здоровы».
- 22.00 «Кино SMS со звездами».
- 22.10-23.35 «Беглецы», Х/ф.

РОССИЯ 1

- 05.00 «Утро России».
- 09.05 Х/ф «Тералия любовно».
- 11.00, 14.00, 17.00, 20.00 Вести.
- 11.30, 14.30, 17.30 Вести-Москва
- 11.50, 14.50 Х/ф «Дом без выхода».
- 13.40, 17.50, 04.45 Дежурная часть.
- 16.30 «Кулагин и партнеры».
- 18.00 Т/с «Кармилита».
- 19.00 Т/с «Слово женщине».
- 20.30 Местное время. Вести.
- 20.50 «Спокойной ночи, малыши!».
- 21.00 Т/с «Райские вблочки».
- 21.55 Т/с «Райские вблочки. Жизнь продолжается».
- 23.45 «Дежурный по стране».
- 00.45 «Вести».
- 01.05 «Честный детектив».

НТВ

- 05.55 Т/с «Королева Марго».
- 07.00 «Сегодня утром».
- 08.30 «Куливарий подинок».
- 09.30 ЧП. Обзор за неделю.
- 10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 23.15
- Сегодня.
- 10.20 «Средний класс».
- 11.00 Т/с «Мангуст-2».
- 12.00 Суд присяжных.
- 13.30 Т/с «Закон и порядок».
- 15.30, 18.30 Обзор. ЧП.
- 16.30 Т/с «Возвращение Мухтара-2».
- 19.30 Т/с «Медвежий угол».
- 21.30 Т/с «Возвращение Онегина».
- 23.35 Честный понедельник.
- 00.25 «Школа злополы».
- 01.15 «Роковой день».

РОССИЯ К

- 07.00 «Евроночь».
- 10.00, 15.30, 18.30, 23.30
- Новости культуры
- 10.20 «Лувр. Всё началось с загадочной улыбки».
- 11.00 Х/ф «Двойная жизнь».

- 12.50 Линия жизни. А.Галибин.
- 13.45 Платов измерение.
- 14.15 Фильм-спектакль «В охладии Элизвет».
- 15.35 «Двадц столци наприкрянный житедь... Е.Рейн».
- 16.00 Мультфильм.
- 16.25 Х/ф «Матна Лурд».
- 16.50, 01.40 Т/с «Навадине с природой».
- 17.20, 02.10 «Три сзезда, в поимках формулы власти».
- 17.50 Д/ф «Генезис Лоранца».
- 18.00 Кантата К.Орфа «Кармина Бурана».
- 19.05 «В главной роли...».
- 19.50 Д/ф «Утратенные миры. первые христиане».
- 20.40 Абсолютный слух.
- 21.20 Т/с «Очарование ала».
- 22.05 «Тем временем».
- 23.00 Д/ф «Подстрочники».
- 23.50 Д/ф «Луная регата».
- 00.20 Острова.

СТС

- 08.00 Т/с «Джинн дома».
- 08.55, 15.30 Мультсериалы
- 09.30, 11.30, 18.30, 21.00 Т/с «Палицы дочки».
- 10.30, 22.00 Т/с «Воронины».
- 11.00, 01.45 Т/с «В кадоров».
- 12.00, 14.00, 19.30 «Галилео».
- 13.00 Т/с «Моя прекрасная няня».
- 14.30 Т/с «Шаг за шагом».
- 17.30 Т/с «Сабрина - маленькая ведьма».
- 18.00 Т/с «Волшебники из Вайверли-Плейс».
- 20.30 Т/с «Давеш молодежь!».
- 23.00 Т/с «Маргоша».
- 00.00 Х/ф «Казама».

ТВ3

- 08.00 Т/с «День рождения Буржуя».
- 08.00 Мультфильм.
- 11.00, 19.00 Т/с «Удивительные странствия Гералка».
- 12.00, 02.00 Т/с «Звездные врата. Атлантида».
- 13.00 Т/с «День рождения Буржуя».
- 14.00 Д/ф «Тайные знаки».
- 15.00 Д/ф «Затерянные миры. Антиквест».
- 16.00 Х/ф «Кара небесная».
- 16.00, 03.00 Т/с «На краю волнений».
- 20.00 Т/с «Танцевальные гупи».
- 21.00 Т/с «Говорящая с призраками».
- 22.00 Д/ф «Тайные знаки».
- 23.00 Т/с «Охотники за чужими».
- 00.00 Х/ф «Наблюдатели 2».
- Профилактика

ТНТ

- 06.00 «Необычно, но факт».
- 07.00 «Таври».
- 07.35, 11.30 Мультсериалы
- 08.30 «COSMOPOLITAN. Видеосериал».
- 09.30, 10.00, 20.00, 20.30 Т/с «Универ».
- 10.30, 11.00, 18.30, 19.00 Т/с «Счастливы вместе».
- 13.30 «Н2О-Т/с».
- 14.00 05.45 «Саша + Маша».
- 14.30 «Битва экстрасенсов».
- 15.30 Х/ф «Некуда бежать».
- 17.30 Т/с «Барвиха».
- 18.30 «Женский лифт».
- 21.00 Х/ф «Дом большой мамочки».
- 23.00 «2. Город любви».
- 00.30 «Атака клоунов».

Хабар

2010-йил 29-январь 5 (906) son

ЎЗБЕКИСТОН

5.55 Қўрсатувлар дастури.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.00 «Иқлим».
7.10 Миллий сериал: «Турмуш чорраҳадарида».
8.00 «Ахборот».
8.40 - 9.20 «Мазъанавият» дастури.
«Боллар сайраси»:
9.20 «Бизнинг кутубхона».
9.30 «Олтин миля». М/ф.
9.40 Навоий вилояти телерадиоканьяни намоиш этади:
«Эртанги кун ағалари».
10.00 «Шимол ва жануб». Т/с.
11.00 «Ахборот».
11.10 «ТВ - шифокор».
11.15 Миллий сериал: «Хайт хилалари».
11.50 «Ахборот», /инглиз/.
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
12.50 «Иқлим».
13.00 Миллий сериал: «Умр манзаралари».
«Боллар сайраси»:
13.35 «Андерсен эртақлари». М/с.
14.00 «Ахборот».
14.20 «Ойдин хайт». Ток-шоу.
15.00 «Олам ва одам» дастури:
«Ишил хазина».
16.00 «Тазкир ноҳли».
16.10 «Мен ёшлиқман».
16.25 «Очун».
16.40 «Ўзбекистон табияти».
17.00 «Ахборот».
17.15 «Худудлар ҳаёти».
«Боллар сайраси»:
17.35 «Эртақлар - ҳашиқлиқ етаклари».
17.55 «ТВ - бизнес хабарлари».
18.00 «Олтин мерос».
10.00,15.30,19.30,23.30 Новости культуры
10.20 «В главной роли...»
10.50 Х/ф «Макбет»
12.55 Д/ф «Утраченные миры»
13.45 Д/ф «Безумие Папума»
14.15 Х/ф «Дань ангела»
15.35 «Он стратег»
16.00 В музей - без поводка.
16.15 М.ф «Терекмо»
16.20 За семью печатями.
16.50,01.55 Д/с «Формы природы»
17.20 Расследование.
17.50 Д/ф «Франц Шуберт»
18.00 «По коням!»
18.45 Вокруг света.
19.50 «Ферма»
20.30 Т.с «Никола Йе Флок»
22.20 Линия жизни.
23.10 Д/ф «Кастель-дель-Монте»
23.55 Х/ф «И пришли туристы»
01.20 «Прогулки по Бродвею»

СТС

08.00 Т.с «Дичини дома»
08.55,15.30 Мультсериалы
09.30,11.30,18.30,21.00 Т.с «Пальцы дочки»
10.30,22.00 Т.с «Воронины»
11.00 Т.с «В кадр»
12.00 Т.с «Ларгоша»
13.00 Т.с «Моя прекрасная няня»
14.00,19.30 «Галле»
14.30 Т.с «Шарик за шагом»
17.30 Т.с «Сабрина - маленькая ведьма»
18.00 Т.с «Волшебник из Вайверли-Плейс»
20.30 Т.с «Дважды молодые»
23.00 Х/ф «Вертикальный предел»
01.20 Т.с «Дашей молодежи»

ТВ3

08.00 Т.с «День рождения Елизавета»
09.00 Мультфильмы
11.00,19.00 Т.с «Удивительные странствия Геральда»
12.00,01.45 Т.с «Звездные врата. Атлантида»
13.00 Х/ф «Ледяные пауки»
15.00 Д/ф «Городские легенды»
16.00 Т.с «Мэрилин»
17.00 Т.с «Сохтинки за чулками»
18.00 Т.с «На краю вселенной»
20.00,03.45 Т.с «Тяжелые пути»
21.00 Х/ф «Мерлин»
23.00 Х/ф «Остров Харлера»
00.45 Т.с «Новый Америкерам»

ТНТ

06.00 «Необъяснимо, но факт» / 07.00 «Такси»
07.35,11.30 Мультсериалы
08.30 «COSMOPOLITAN. Визуальная»
09.30,10.00,20.00,23.30 Т.с «Универ»
10.30,11.00,18.30,19.00 Т.с «Счастливы вместе»
13.30 Т.с «H2O»
14.00 «Саша + Маша»
14.30 «Битва экстрасенсов»
15.30 Х/ф «Султангеройское кино»
17.30 Т.с «Барбосы»
19.30 «Женская лига»
21.00 «Comedy Клуб»
22.00 «Comedy Woman»
23.00 «Дом 2»
00.30 «Атак клоунов»
01.00 «Секс» с Анфисой Чеховой»

ГЕРМАНИЯ ПОЧТАСИ: Эркин бозор ва келажак

➔ JAHON POCHTASI

(Давоми. Аввали ўтган сонда.)

Логистика

DHL бу соҳада жаҳонда етакчи бўлиб, юқори малакали мутахассисларни бирлаштирган. Компания транспорт-экспедиторлик, юкларни сақлаш ва етказмаларни бошқариш соҳаларида хизмат кўрсатади. Компания хизматлари икки асосий йўналиш — денгиз ва қуруқлик орқали ташувлардан иборат бўлиб, ўз навбатида, улар ҳам жуда кўп тармоқларга бўлинган. Шунингдек, юкларни ортишдан тортиб то охири манзилгача етказишни ўз ичига олувчи авиаташувларни мисол келтириш мумкин. Ўзига хос томони юқоридаги барча жараёнлар лойиҳалари ипидан-игнасигача компаниянинг ўзида ишлаб чиқилиб мижозларга тақдим этилади. Масалан, 2009 йили ички логистика соҳасидаги энг йирик лойиҳалардан бири Jaguar Land Rover автомобилсозлик компанияси учун муваффақиятли амалга оширилди. DHLнинг Европа транспорт бозоридаги бой тажрибаси эҳтиёт қисмларни етказиш тарифларини сезиларли равишда камайтиришга замин ҳозирлади. Натижада эҳтиёт қисмларни ташувчи юк машиналарини тўлиқ тўлдиришга, бутловчи қисмларни кичик партияларга бирлаштиришга эришилди. Бир сўз билан айтганда, лойиҳа 17 мамлакатдаги 500 таъминотчи билан ишловчи автомобилсозлик компанияси фаолиятидаги тўхталишларга барҳам берди.

Компания логистика ечимлари



нафақат Европа, балки Осиё-Тинч океани минтақаси, Яқин Шарқ ва Африка мамлакатлари ҳисобига ҳам кенгаймоқда. DHLнинг бизнесбоп хос лойиҳалари айниқса аҳамиятлидир. Масалан, фармацевтика санаяти учун ColdChain хизмати ишлаб чиқилган бўлиб, ҳароратга чидамсиз маҳсулотларни Европа ҳудудида ташишни кўзда тутди. 2008 йилда Дубай эркин савдо ҳудудида Осиёдаги энг йирик юкларни транзит ташиш маркази очилди. DHLнинг ушбу маскани Европа, Осиё ва Африка ўртасида ўзига хос кўприк вазифасини ўтапти.

DHLнинг яна бир бўлинмаси мавжуд, у шартнома асосида автомобилсозлик, ахборот технологиялари, текстил санаяти, чакана савдо ва бошқа соҳалар учун индивидуал ахборот ечимлари асосида хизматлар кўрсатади.

Молиявий хизматлар

Шу кунгача Deutsche Post DHL молиявий хизматларни Deutsche



Postbank орқали тақдим этиб келган. Нера шу кунгача? Гап шундаки, Postbank ҳозир деярли мустақил ташкилот. Почта банки 1990 йили Deutsche Bundespost почта жамғармалари ҳисобидан шакллантирилган бўлиб, 1999 йили Deutsche Post бўлинмасига айлантирилди. 2004 йили банк акциялари Франкфурт фонд биржасига жойлаштирилиши натижасида Deutsche Post ҳисобида 50 фоиз ва битта акция қолди. 2008 йили Postbank Германия почтасидан 30 фоиз акцияни 2,8 миллиард еврога сотиб олди. Айни дамда у қолган акцияларни ҳам сотиб олиш ҳуқуқига эга. Дарвоқе, ўтган йили немис почта банки ўзининг юз йиллигини нишонлади.

Deutsche Postbank ракамларда:

- Шоҳобчалари — 850та;
- Ходимлари сони — 21 минг киши;
- Мижозлари сони — 14,5 миллион киши;
- Онлайн кириш мавжуд ҳисоб-рақамлар — 2,13 миллионга;
- Онлайн кириш мавжуд ҳисоблардаги қимматбаҳо қозғалар — 450 мингта;
- Телефон-банкнинг миқдори сони — 3,09 миллион киши.

ТАХРИРИЯТДАН:
Муҳтарам газетхонлар!
“JAHON POCHTASI” рўқни остида яна қандай мақолаларни ўқишни истайсиз, қайси мамлакатлар почта хизматлари сизни қизиқтиради? Фикр ва мулоҳазаларингизни кутамиз!

Бир пайтлар вируслар деганда кўпинча бирон-бир касаликни тушунарлик. Ахборот технологиялари, жумладан, компютер техникаси, мобил телефонлар, интернет ҳаётимизга фаол кириб келиши асосида вирусларнинг маъно-аҳамияти ҳам кенгайиб кетди. Бугун компютер вирусининг нималигини ҳатто ёш болага ҳам тушунтириш шарт эмас. Бироқ ана шу ёш боланинг ақли етган нарсга қаршисида ҳатто устаси фаранг компютер мутахассислари ҳам ожиз қолишмоқда.

Компютерлар учун чиқарилган зарарли дастурлар тарихи билан таниш инсонлар Friday 13 (жума 13) вирусини ҳали кўп вақт эслашса керак. Ҳафтанинг шу куни айнан 13-санага тўғри келган куни у ўзи зарарлаган компютерлардаги барча файлларни ўчириб юборавергани учун шундай ном олган.

Умуман олганда, бирон-бир эътиборли санага атаб ишлаб чиқилган бунақанги вируслар жуда кўп. Масалан, April 1st (1 апрел), Christmas (Янги йил), Michelangelo (6 март) ёки CIH/ Chernobyl (26 апрел — шу куни Чернобил АЭСида фалокат юз берган). Улар айнан шу кунларда фаоллашган.

Ҳали интернет оёққа тураётган пайтларда вирусларни тарқатишнинг ягона воситаси дискетлар эди. Агар бундай тарқалишни ҳозирги вирусларнинг ҳаракати билан таққосласак, ер билан осмонча фарқ бор. 80-йилларнинг охирида пайдо бўлган Friday 13 вирусини, аммо кўп йиллар давомида тарқалди ва компютерларни ишдан чиқариб келди. Таққосланса, 2003 йилнинг январидан пайдо бўлган SQLSlammer вирусини атиги ўн дақиқа ичида бутун дунёга тарқатган ва интернет тармоғида узиллишларга сабабчи бўлган.

Шу тариқа вирус ишлаб чиқувчилар вируснинг тарқалиши учун кераклик вақтини олдиндан белгилаб қўйишган ва унинг фаоллашиши учун ўзларига маъқул саналардан бирини тан-

Компютер вируслари

ёки бемаъни мусобақаларнинг чеки борми?



лашган. Бу “инкубация даври”да вирус ўзи ўрнашиб олган компютерга дахл қилмасдан, тезроқ бошқа компютерларга ҳам ўтишга — кўпайишга интилган.

Замонавий компютер вируслари кўпайиш учун инкубация даврини талаб қилмайди. Чунки антивирус компаниялари ўзларининг вирус

базалари файлларини тез-тез янгилаб туришгани, янги вирусларни топиш тизимини қўллашлари боис вируслар кўпроқ ҳимоя тизими заиф ёки антивирус базалари янгиланмаган компютерларни зарарлаши мумкин. Табиийки, қанчалик тез тарқаса, шунга яраша салбий таъсири бўлади.

Бир қатор янги вируслар “ажлодлари” усулини қўллашлари қизиқ. Фақат улар белгиланган санада фаоллашиш ўрнига, аксинча, буткул тарқалишдан тўхтайдилар. Нега бундай? Ягона жавоб шу: интернетда зарарли кодларни тарқатиши учун бошқа хакерларга ҳам имконият бериш мақсадида шундай қилинади, яъни хакерлар ўртасида ҳам ўзаро баҳс, келишув мавжуд. Унга кўра, ҳар бир вирус яратувчисига ўз зарарли кодини тарқатиши учун муайян вақт ажратилади. Агарда бу даврда вирус айтарили натижа келтирмаса мусобақадан чиқиб кетади.

Кузатувларга кўра, кўпинча совуққонлик ёки фойдаланувчининг етарли кўникмага эга эмаслиги оқибатида компютерлар ишдан қиқали ёки улардаги қимматбаҳо маълумотлар йўқотилади. “Ахборот технологиялари тараққиётни етакловчи куч”, деб баралла айтаман-у, аммо шу кучни аслида инсон бошқаришни унутиб қўямиз. Айтмоқчимизки, тараққиёт дастага қачонки ишончли, билимли қўлларда бўлса ва кучли ҳимоя сиёсати юритилса, юқоридаги сингари бемаъни мусобақалардан қутуламиз.

➤ **HAMKORLIK UFQLARI**

Кореялик кўнгилчилар ТАТУда

Яратилган имкониятлардан оқилона фойдаланиш биз ёшларнинг вазифамиз. Бу борада хориж мамлакатлари ва уларнинг элчихоналари томонидан амалга оширилаётган лойиҳалар ва ажратиётган ўқув грантлари катта аҳамиятга эга. Ушбу ўқув лойиҳаларидан бири – Кореянинг Давлат бошқаруви ва хавфсизлиги вазирлиги (Ministry of Public Administration and Safety)га карашли Миллий ахборот жамияти агентлиги (NIA — National Information Society Agency) томонидан ташкил этилган лойиҳа бўлиб, 1987 йилдан фаолияти йўлга қўйилган.



NIA лойиҳасининг асосий мақсади — Европа ҳамда Марказий Осиё мамлакатлари билан ўзаро ҳамкорликда олий таълим тизimini жамият тараққиётида халқаро миқёсга олиб чиқиш, ёшлар билиmini янада ошириш ва мустаҳкамлашдан иборат.

Ушбу лойиҳа Ўзбекистонда илк мартаба 2008 йил ёз фаслида Тошкент ахборот технологиялари университети ва KADO (Korean Digital Organization) бирлашмаси қошидаги KIVs (Korea Internet Volunteers) дастури билан ҳамкорликда амалга оширилган шартнома асосида ташкил этилди. KIVs дастурининг асосий мақсади кўнгилчилар машгулотлари орқали ахборот технологиялари йўналишида университет талабаларининг билим ва малакаларини оширишга кўмаклашишдир.

Лойиҳа дастури университет талабаларига мўлжалланган бўлиб, асосан, ахборот технологиялари йўналишида олиб борилди. Яъни, Жанубий Кореянинг энг нуфузли олийгоҳларидан бири бўлган Сеул университетидан ташриф булорган саккиз нафар кўнгилчи талаба дастурлаш тили ва график дастурлар бўйича талабаларимиз учун ўқув машгулотлари ўтказишди. Барча дарслар инглиз тилида бўлгани учун талабалар нафақат ўзларининг мутахассислик фанларини, балки тил бўйича ҳам малакаларини оширишди. Уч ҳафта давомида ушбу дастур бўйича ўқиган талабаларга Сеул университетининг сертификатлари топширилди. Бу эса фақатгина икки давлат ёки университет эмас, балки икки томон талабалари ўртасидаги дўстлик ришталарини боғлашга имкон яратди.

Жанубий Кореянинг NIA лойиҳаси ТАТУ университети билан халқаро таълим бўйича йўлга қўйилган алоқаларни янада тиклаш мақсадида кишики таътил давомида ҳам ўқув курсларини ташкил қилди. Ўқув курсида тўрт нафар кўнгилчи талаба C++ дастурлаш тили ва компютер графикасидан сабоқ берди. Бундан ташқари, Корея давлатининг қадимий ва бетакор маданияти, миллий кийимлари ва корейс тили ҳақида семинарлар ўтказилди. Ўқув курслари давомида корейс таомлари кунни ташкиллаштиришди.

Гуруҳ етакчиси Ким Веон Сеопнинг айтишича, у иккинчи бор Ўзбекистонга келиши экан. Бу ерда орттирган ўзбек дўстлари билан тарихий музейларга, қадимий шаҳарларимиз Хива ва Бухорога саёҳатлар уюштиришган, бизнинг турмуш тарзимиз, урф-одатларимиз, миллий уюмларимиз унда катта таассурот қолдирган.

Шаҳзо ОТАХОНОВА,
ТАТУ талабаси

Хозирги кунда уяли тармоқлар, яъни симсиз сўзлашув воситаси бўлмиш мобил телефонлар шиддат билан тараққий этиб бормоқда, шунга қарамай, бу тармоқда ҳам сўзлашув пайтида ноқулайликлар бўлади, булар интерференциялардир. Бу эса сўзлашув жараёнига халақит берувчи омиллардан биридир. Уяли тизимларда интерференциянинг қуйидаги турлари бор:

Частоталардан қайта фойдаланилгандаги интерференция, канал ичидаги кўшни каналлардан ва бошқа тизимлардан келаётган узилма (ностационар) ва мобил ноуя

наллардан келаётган интерференциядир, оқибатда назорат каналида маълумотлар бузилади ва муваффақиятсиз қақурувларга сабаб бўлади. Бу муаммода бир ёки ундан кўп бўлган частоталардан қайта фойдаланиш талаб қилинади. Бу интерференциянинг асосий сабаби — майдон кучланиши маълумотлар бузилишига олиб келадиган даражадалигидир. Бу интерференцияни бартараф қилишнинг икки усули мавжуд: антенна эгилишини ўзгартириш ва унинг баландлигини ўзгартиришдан иборат. Баъзи бир тизимлар бу интерфе-

Интерференция турлари

ва уларни бартараф қилиш усуллари

тизимлардан келаётган турли стандарт тизимлари ўртасидаги интерференциялар.

Энди эса интерференциялар қандай ҳосил бўлиши ва уларни бартараф қилиш йўллари ҳақида айтиб ўтамиз. Интерференция аломатлари: қақурувларнинг йўқолиб қолишида, ҳар хил товушларнинг пайдо бўлишида, яъни тикирлаган товушлар ва чийиллашлар эшитилишида билинади.


Уяли тармоқлар учун алоқани таъминлаб берувчи ҳар бир компанияга частота бўлиб берилади ва бу частоталар чекланганлиги сабабли улардан қайта фойдаланиш зарурати туғилади. Шунинг учун тизим лойиҳачиси частоталардан самарали фойдаланиш учун интерференция табиатини ҳамда назорат усулларини билиши керак.

Ҳозирда интерференция муаммоси деярли ҳамма жойда учрайди. Интерференцияга асосан табиий омиллар ва ёмон лойиҳалаш сабабчи бўлади. Ёмон лойиҳалаш лойиҳачининг миноралар, баланд биналар ва жойнинг табиий рельефига эътибор бермаслигидан келиб чиқади. Интерференцияни антенна (база станцияси)ни ҳаддан зиёд эгиб қўйиш билан бартараф қилиш мумкин деган нотўғри фикр бор. Аслида бу ижобий натижа бермайди, қайтанга, қоплашни камайтиради. Самарали усуллардан бири бу антеннани пасайтиришдир.

Частоталардан қайта фойдаланилгандаги интерференция қандай пайдо бўлади, деган савол кўпчиликни қизиқтириши аниқ. Жавоб шундай: бу мобил станциядан анча йироқдаги уяда бир хил частоталардан фойдаланаётган, хизмат кўрсатувчи уяда юз беради. Буни бартараф қилиш учун частоталардан кўплаб ортиқча фойдаланаётган тизимларда канал тўсиб қўйиш лозим.

Канал ичидаги интерференция ниҳоятда кўп учрайди ва уни кузатиш ва назорат қилиш имкониятига эгамиз. Буни бартараф қилиш учун антеннани эгиб қўйиш, баландлигини камайтириш ҳамда handoff (мобил станция бир уядан иккинчи уяга ўтаётганда ёки битта база станцияси ичида мобил станция бир сектордан иккинчи секторга ўтаётганида қақуриқнинг бошқа бир каналга автоматик ўтказиб юбориш)ни барвақт вужудга келтириш билан эришиш мумкин.

Айтиб ўтганимиздек, тизимни ишла-тиш пайтида интерференциянинг бошқа шакллари ҳам пайдо бўлади. Бу кўшни ка-



ренциядан ҳолидир, масалан, НМТ900, бунда частоталарни алмаштиришдан фойдаланилмайди, бунинг сабаби кенг до-сали канал учун диапазон энининг девиацияси (ошиши)га нисбатидир.

Ҳозирда технологияларнинг тараққиёти билан уяли тармоқлар кириб бормаган мамлакатлар қолмаган ҳисоб. Барча давлатларда камида иккита рақобатдош тизим мавжуд. Булар мижозларга хизмат қилиш мобайнида бошқа тизимлардан келаётган интерференцияга дучор бўлади. Бу интерференцияни бартараф қилиш учун мобил аппарат қувватини ростлаб, тартибга солиб туриш, бунда биз база станциясига анча яқин жойлашган бўлишимиз керак. Мақсад паст қувватда шунга яраша ишлашдир.

Интерференциянинг турлари кўп, шундай интерференциялар борки, улар бизга анчагина муаммолар келтириб чиқаради. Узилма (ностационар) интерференциялар шулардан бири. Бунда алоқани ёмонлаштирувчи манбанинг ўрнатиш жойини топиш анчагина мушқул. Бу интерференцияга қарши чора Доплер эффектига асосланган қуриладир. Бунда бевосита тўртта приёмикдан фойдаланилади ва улар рақам шаклида интерференция манбаининг йўналишини беради. Бунда биринчи қадам база станцияларидаги кучланиш майдонини ўлчаш, сўнгра позициянинг триангуляциясини рўёбга чиқаришдир.

Интерференцияларнинг бошқа турлари ҳақида кейинроқ маълумот берамиз.

Жасур ИСЛОМОВ,
ТАТУ Қарши филиалининг
ахборот технологиялари факултети
3-босқич талабаси

Абдулла мактабда ўқиб юрган кезлари хабарчиларни кўп кузатарди. Тиними-тинчи йўл-а буларнинг, қачон қараманг хизматда, ўйларди у, эрта тондан то оқшом қоронғусигача ишлашади, дерди. Лекин бир кун келиб ўзи ҳам хабарчи бўлиши ҳаёлига келмаган эди.

Бир кун у алоқа бўлими раҳбари Аскаржон ака Қўқонбоевни учратиб қолди (у кишини худо ўз раҳматига олган бўлсин).

— Тўлабой ака пенсияга чиқди. Ўрнига келмайсанми?

Дабдурустандан бир нима дея олмади. Уйдагиларга айтди. Ота-онаси бу хабарни хурсандчилик билан кутиб олишди.

— Кўпнинг дуоси — кўл, савоби кўп, йўқ дема, — деди Савринсо хола билан Мўйдинжон ака. — Почта нозик жой, ҳаммаши ҳам ишга олавермайди. Сени ишга қақришибди-ми — демак, сенга ишонилмади.

Абдулла ҳам бу ишончини оқлашга интилди. Ҳар бир хонадон 15-20 та газета-журнал оларди. Велосипедни физиллатиб тез-тез алоқа бўлимига қатнардди. Велосипед — темир, дош бермасди. Ҳа деганда эҳтиёт қисм,

ҳа деганда таъмирталаб — лекин у чидади, оғирига-енгилига кўнклиди. Зеро, одамлар дарду қувончига шерик бўлишининг ҳам гашти бор экан.

Раҳматли устози Муҳаммаджон ака “Бирини акам, бирини укам, бирини ўғлим, деб ишла, кам

ди Абдулла ака. — У бизга яхши одам, яхши хабарчи бўлишни, сабру тоқатни пойдор этишни ўргатиб кетди. 400 нафар пенсионерга, 35 нафар ногиронга хизмат қиламан. Ҳар бири — бир дунё, ҳар бирига муносиб муомала қиласан. Кимгадир ортиқ дара-

ки, бу шерюрак инсон ҳақида китоблар ёзиш мумкин. Тафаккури теран ва тиниқ. Ҳар ўғитлари борки, умрга тағийди. Тингла ва хулоса яса...

Дарҳақиқат, салкам чорак асрки, Данғара тумани Оқжар алоқа бўлимида хабарчи бўлиб ишлаб келаётган Абдулла ака Султоновнинг ҳар бир куни ҳикматларга тўли, шуқуҳли. Ҳамиша қалбини одамларга кераклик бахти нурлантириб туради. Боғиш, Бино, Пахтаобод, Оққўл, Хурмитон маҳаллалари ахлининг қадрдонига айланган. Қадрдон киши бўла олиш эса ундан не-не меҳнату машаққатларни талаб этган — буни фақат ўзи билади.

Ҳар кеч уйига йўл олар экан дилда қониқиб, тақдирдан розилик, саодатмандлик туяди. Элу юртга нафи тегаётганидан хушнудлик қувончига уйда пиру бадавлат ота-онаси, меҳнатқашу меҳрини аёли Эътиборхон ая, фарзандлари илҳақ кутаётганидан мамнулик, шукроналик туйғулари қўшилиб кетади.

Ҳафиза САЛЯҲОВА,
“Хабар”нинг Фарғона
вилоятидаги мухбири

Шукроналик туйғуси

бўлмайсан”, дерди. У касбини жуда яхши кўрарди. Фахрийликка чиқдию гўё ҳаётдан мазмун кетди. Почтанинг қайноқ ҳаёти бошқа-ю, бу ҳаёт бошқа экан. Эл-юртга яйраб-яшнаб, елиб-югуриб хизмат қилганларини кўмсай-кўмсай беш-олти ой ҳам пенсия олмай дунёни тарк этди. Энди Муҳаммаджон Мирзааҳмедовнинг номини ҳамма ҳурмат билан эслайди. Эзгулик унутилмайди-да.

— Шундай инсон билан ишлаганимдан фахрлансам арзийди, — дей-

жада хушмуомала керак, айримларига мулозамат ёқмайди, баъзилари йўлларингни интизор кутади — мен билан андаккина гурунг қилармикан, деб. Иккинчи жаҳон уруши иштирокчиси Ирисали ота Мисиров ҳузурига доимо ошиқаман. Дуосини олай, дейман.

Уруш қатнашчилари бундан беш йил муқаддам ўн чоқли эди. Ҳозир Ирисали ота бир ўзи қолди. Умр деганлари дарё мисол ўтаркан кетаркан. Отахон камтару камгап. Ваҳолан-

TUYG'U

Ўтган асрнинг 80-йилларида Амударё ортидаги мамлакат — Афғонистонга кўнгилилар қаторида бориб хизмат қилдим. Биласиз, бу пайт мен йўл олган юрт анча нотинч эди. Шу боис ота-онамни қутилмаган сафаримдан атайин хабардор этмадим. Фақат “Германияга бориб ишлаб келаман” деб қўйдим. Улар ружат беришди.

Собиқ Иттифокнинг турли манзилларидан келган “биз ташаббускорлар” Тошкент орқали Қобул шаҳрига учдик. Кундузда махсус тайёр-гарликдан ўтдик, сўнгра бизни доимий хизмат қилиш учун Файзоболга олиб кетишди.

Дарё ортида бўлганман...

Уруш давом этаётган бир пайтда алоқачи бўлиб ишлаш осон эмаслиги дарҳол билинди. Негаки, зиммадаги вазифа жиддий ва масъулиятталаб эди. Ҳарбий либосдаги дугоналарим — украиналик Лида ва рус қизи Наталя билан бунинг улдасидан чиқишга ҳаракат қилардик, шундай қалтис бир паллада зехн ва зийраклик иш берди. Ўша чоғлаги таҳликали ҳаётнинг ҳар дақиқаси хушёрлик “сўраб” турарди.

Бир сўз билан айтганда, Афғонистонда ўтган кунларим ўз Ватаним қадрига етишда катта мактаб бўлди. Чиндан ҳам биз тинч, обод, тупроғи табаррак юртга яшаётганимиз билан ҳар қанча фахрланасак арзийди. Дарё ортидаги мусофирликдан қайтганимда онажоним Расила Сабирянова бағрининг тафтини ўзгача ҳис этдим. Отам Сирожишдин Раҳимовнинг “Шу пайтгача қайда эдинг қизим, соғиниб кетдик-ку, ахир!” дегани ҳамон ёдимда.

Мен яқинда мамлакатимиз Президенти Исом Каримовнинг “Юксак маънавият — энгилмас куч” асарини ўқиб чиқиб, Ватанга муҳаббат туйғуси бебаҳо незматлардан бири эканлигига яна бир бор иқдор бўлдим. “Албатта жаҳон кенг, дунёда мамлакат кўп, лекин бу оламда бетакрор она юртимиз, Ўзбекистонимиз яқкаю яғона, — дейилади асарда. — Бу гўзал юрт, бу муқаддас замин фақат бизга ағалдан. Мана шу улуг туйғу ҳар биримизнинг дилимизга жо бўлиши, ҳаётимиз мазмунига айланишини истардим”.

Дарҳақиқат, барчамиз шу азиз Ватанимиз билан ҳар кун, ҳар соат фахрланиб, гурурланиб яшамогимиз лозим. Бу орқали эзгу-мақсадларимизга шубҳасиз эришамиз.

Тамара РАҲИМОВА,
“ЎзИ-Термиз” филиалининг катта телефончиси

KASBINING FIDOYLARI

Масъулият юки

Аёл яратган дунё чаманлардан иборат деб бежиз айтишмаган. У оламни қувонч манбаига айлантира олади, ўзининг қудрати билан дунёни ўзгартиришга қодир. Агар қузаталган бўлсак, аслида сийрати ва суврати гўзал, умр бўйи одамлар ташвишда яшаб эл-юрт саодатини ўз фароғатидан устун қўйган аёллар тошлар орасидаги олмос каби яққол кўзга ташланади. Уларнинг бениқсон умр йўллари олмос қирралари каби жилваланиб, ҳар жиҳатдан бошқаларга ибрат бўлаверали. Ана шундай аёллардан бири Бобур номидаги Андижон вилояти ахборот-кутубхона маркази директори Ҳафизахон Каримовадир.

Ҳафизахон Каримова 1960 йилнинг 2 октябрида Андижон вилояти Балиқчи туманида таваллуд топган. Ёшлигидан китобга бўлган муҳаббати уни Тошкент давлат маданият институтига чорлайди. Олийгоҳни тугатиб, меҳнат фаолиятини 1983 йилда Андижон шаҳар “Коммунар” заводи кутубхонасида мудира вазифасидан бошлаган. 1988-2001 йилларда Бобур номидаги вилоят кутубхонасида оддий, етакчи, бош кутубхоначи ва бўлим мудирини ҳамда вилоят бошлар кутубхонасининг раҳбари вазифаларида фаолият юритган. 2001 йилдан бошлаб Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бобур номидаги Андижон вилоят ахборот-кутубхона марказининг директори лавозимда меҳнат қилмоқда. У қаерда, қайси лавозимда ишлаганим ўз ишига виждонан ёндашиши, илгор тажрибаларни амалий табиқ этишдаги қобилияти ва юксак маҳорати билан жамоанинг ҳурмати ва эътиборига сазовор бўлди.

Ҳ.Каримова иқтисодий, ижтимоий-сиёсий таълим-тарбия ва кадрлар тайёрлаш тизими ислохотларига кўмаклашиш, баркамол авлодни воёга етказишда кутубхона фаолиятини ошириш мақсадида кўрик-танловларни, маслаҳат ва илгор тажриба мактабларини ташкил этиш, вилоятимиз кутубхоначилари малакасини ошириш, соҳа бўйича долзарб масалаларни ечишда алоҳида ўрнатилган кўрсатди. Унинг ташаббуси ва раҳбарлигида 2002 йилда вилоятда кутубхоначилик ишини ривожлантириш мақсадида Андижон вилоят кутубхоналар ассоциацияси ҳамда кутубхона қошида Ҳуқуқий ахборот маркази ва Ногиронларни ахборот билан қўллаб-қувватлаш маркази ташкил қилиниши билан китобхоналарга янада кенг имкониятлар яратилди.

Унинг саъй-ҳаракатлари билан марказ моддий техника базаси янада мустаҳкамланди, фойдаланувчилар ҳамда ходимларга қўлай иш шароитлари яратиш мақсадида 2005 йили кутубхона учун алоҳида иситиш тизими ишга туширилди.

2007 йилда Андижонда кутубхона ташкил этилганлигининг 100 йиллик юбилеи муносабати билан опанинг ташаббусига кўра кутубхонада “Кутубхона — миллий тараққиёт кўзгуси” мавзусида республикада биринчилар қаторида ўлкашунослик характеридаги кутубхона музейи ташкил этилди. Ҳозирда музей китобхоналарнинг энг яқин кўмакдоши ва сеvimли масканига айланган.


У жамиятдаги сиёсий доирала ҳам ўз ўрнига эга. 1992 йилдан Халқ демократик партияси аъзоси, 2009 йил январ ойидан марказда ташкил этилган бошланғич партия ташкилотининг раиси вазифасида партиянинг мақсад-вазифаларидан келиб чиқиб вилоят ва шаҳар Кенгаши билан ҳамкорликда маънавий-маърифий тарғибот ишларини мунтазам амалга ошириб келмоқда.

Опа нафақат касбий соҳада, балки оилавий-ахлоқий жиҳатдан ва ижтимоий фаолият соҳасида ҳам намунали инсон. Гуллар шайдоси бўлмиш бу аёлнинг ишдан бўш пайтларидаги сеvimли машғулотларидан бири гулларни кўпайтириш, парваршиш қилиш, улардан завқ олиш билан бирга, табиатнинг бу гўзал инъомини яхши инсонларга тўхфа этишдан иборат. У бахтли оила бекаси, турмуш ўртоғининг ишончли ҳамфикири, икки нафар фарзанднинг сеvimли онаси ва икки нафар набиранинг меҳрибон бувижонисидир.

Халқ демократик партияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига депутатликка Ҳ.Каримова номзодининг кўрсатилиши ва 2009 йил 27 декабр куни вилоятимиз аҳолиси томонидан депутат қилиб сайланиши опанинг залворли меҳнатлари ва халқимиз томонидан берилган юксак баҳо деб ўйлайман. Фидойиликни кўксига тумор билгувчи Ҳафиза Каримова ана шундай истиқлол аёлларидан биридир.

Г.ИСМОИЛОВА,
Бобур номидаги Андижон вилоят
ахборот-кутубхона маркази
директори ўринбосари

ЗАРУР ҚўЛЛАНМА



Ушбу қўлланмада Президентимиз асарларида кенг ёритилган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг мазмуни, келиб чиқиш сабаблари ва салбий таъсири оқибатлари, Ўзбекистонда инқироз таъсири оқибатларининг олдини олиш ва юмшатишга асос бўлувчи омиллар, мамлакатимиз иқтисодиётини модернизациялаш ва янгилашни изчил давом эттириш борасида қўлга киритилаётган ютуқлар тўғрисидаги мушоҳадалар атрофлича ёритиб берилган.

Қўлланма Ўзбекистон Республикаси миллий иқтисодиётининг барча тармоқларида фаолият юритаётган ходимлар, хусусий тадбиркорлар, олий ўқув юртлири талабалари, магистр, аспирантлари, олий ва ўрта махсус таълим маркази коллежлари, академик лицейлар ўқувчилари ҳамда иқтисодий муаммоларга қизиқувчи кенг жамоатчиликка мўлжалланган. Унда Президентимиз Ислам Каримовнинг “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” номли асарининг асосий мазмуни ва моҳияти баён этилган.

Услубий қўлланма Тошкент ахборот технологиялари университети ўқитувчилари — техника фанлари доктори, профессор Н.Мўминов ва иқтисод фанлари номзоди, доцент Ф.Мирзаев томонидан тайёрланган.

Табриклаймиз!

“Қорақалпоқ Телеком” филиали ва алоқа ходимлари бирлашган касба уюшмаси кўмитаси Нукус туман телекоммуникациялар боғламаси оператори Базаргул СЕЙТМУРАТОВА ва электромонтер Абдикарим САБУРОВни 50 ёши билан табриклаб, уларга муштакам соғлиқ, узоқ умр, оилавий хотиржамлик, фарзандлар ва неваралар камолини кўриб юришликни тилайди.

Фарғона алоқа касб-хунар коллежида телекоммуникация ва алоқа тизимларини монтаж қилиш ҳамда таъмирлаш, рақамли узатиш тизимларини ишлатиш, таъмирлаш ва хизмат кўрсатиш, манший хизмат техникаси ва жихозларини таъмирлаш, кенг ассортиментдаги кийимларни лойихалаш ва моделлаштириш, тукув ва трикотаж махсулотларини ишлаб чиқариш технологияси, бухгалтерия хисоби йўналишлари бўйича 520 нафар ўқувчи сабоқ олмоқда.

Уларга 40 нафар тажрибали ўқитувчи, саккиз нафар педагог муҳандис, уч нафар ишлаб чиқариш таълими устаси, 12 нафар ахборот технологиялари мутахассиси билим бермоқда.

— Замоनावий қиёфада қад ростлаган коллежимизда талабаларнинг илм ўрганишлари учун қулай шарт-шароитлар яратилган, — дейди коллеж директори Бахтиёр Парпибоев. — Замоनावий жихозлар билан таъминланган 21та ўқув хонаси, кенг, ёруғ мажлислар ва спорт заллари, 6393дона китоб захирасига эга ахборот-ресурс маркази, компютер синфлари ёшлар ихтиёрида. Фарзандларимизнинг камолот чўққилари сари интилишлари йўлида қилинаётган бундай улугвор ишлар ҳар қандай инсонга қувонч бағишлайди.

Фикр

Оқил ва донолар билан сўхбатдош бўлинг, илмингиз хар қанча кўп бўлса ҳам, ўзингизни илмсиз хисоблаб, яна илм ўрганишга киришинг. Молу давлатингиз билан эмас, илм, хунарингиз, гўзал хулқ-атворингиз билан фахрлангиз.

Абу Язид Ҳаким

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ

Маълум қиладики, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги 458-қарори билан тасдиқланган Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисида низомнинг 49-бандига асосан:

“Навоий тонги” кичик корхонасининг (Навоий шаҳри) аризасига мувофиқ маҳаллий телекоммуникация тармоқларини қуриш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0001816 рақамли;

“QANDIYOR NISHON” фермерлик хўжалигининг (Навоий вилояти) аризасига мувофиқ халқаро телекоммуникация тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0002732 рақамли;

“DAYORI BEHSHT” хусусий корхонасининг (Бухоро вилояти) аризасига мувофиқ;

— маҳаллий телекоммуникация тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0002195 рақамли;

— шаҳарлараро телекоммуника-



ция тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0002196 рақамли;

— халқаро телекоммуникация тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0002197 рақамли;

“JIGDAZOR KELAJAGI” хусусий корхонасининг (Бухоро вилояти) аризасига мувофиқ;

— маҳаллий телекоммуникация тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0002678 рақамли;

— шаҳарлараро телекоммуникация тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0002679 рақамли;

ром Собировалар фан ва спорт йўналишларининг шаҳар босқичларида фаол иштирок этиб, коллежнинг фахрли ёшларига айланишган.

Албатта, талабаларга пухта билим беришда тажрибали педагогларнинг ўрни муҳим. Ўз касбига фидойи устоз муаллимлардан Абдурашул Бойматов, Азиза Амино-

Интилиш

Ўқувчи ёшларга Ватанимиз мустақиллигининг маънавий асосларини тушунтириш, анъана ва урф-одатларимизни асраб-авайлаш, айниқса, она юртига муҳаббат, садоқат туйғуларини чуқур синдириш, ўзи тугилиб ўсган она заминни эъзозлаш ва ҳимоялаш бурч эканлигини ҳис этиш руҳида тарбиялашга эътибор берилмоқда. Бу борада коллежда фаолият кўрсатаётган “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилотининг ўрни катта бўляпти.

Талабалардан Озода Қорабоева, Мафтуна Қирғизбоева, Дило-

ва, Имомали Садриддинов, Зуҳра Аллаберганова, Шаҳно Муҳиддиновларнинг иш тажрибалари омалаштирилиб, уларга ёш педагоглар бириктирилган.

Бир сўз билан айтганда, коллежда номига муносиб билимли ва доно авлод улғаймоқда. Ўқув жараёнида янги ахборот ва педагогик технологияларни кенг жорий этишни дастуриламал қилиб олган педагогик жамоанинг асосий мақсади баркамол авлодни тарбиялаб вояга етказишдир.

Мухаммаджон МАҲМУДОВ

— халқаро телекоммуникация тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0002680 рақамли;

“AL'BATROS SERVIS” маъсулияти чекланган жамиятининг (Тошкент вилояти) аризасига мувофиқ маҳаллий телекоммуникациялар тармоқларини лойихалаш ва қуриш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0002336 рақамли;

“Risolatpari Dildorasi” хусусий корхонасининг (Бухоро вилояти) аризасига мувофиқ;

— маҳаллий телекоммуникация тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0002643 рақамли;

— шаҳарлараро телекоммуникация тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0002644 рақамли;

— халқаро телекоммуникация тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0002645 рақамли лицензияларнинг амал қилиши 2010 йил 25 январдан тугатилди.

**БАХОДИР НАСИМОВ
"РУБИН" ТАКЛИФИНИ
КАБУЛ КИЛДИ**

Ўтган ҳафта-нинг қаҳрамони Баҳодир Насимов "Рубин"дан бўлган таклифни қабул қилиб, Москвага йўл олди. Самарқанднинг "Динамо" клуби ҳужумчиси 29 январда Испанияда йигин ташкил қилиш учун бораётган қозонликлар таркибига қўшилади ва бугун Россиянинг амалдаги чемпионлари билан бирга Пиреней ярим ороли томон отланади.



Эслатиб ўтамиз, МДХ Кубоги баҳсларида ўзини кўрсатган ҳамюртимизга Россиянинг бир нечта клублари, жумладан, "Локомотив", "Динамо", "ФК Москва", "Амкар" ва "Рубин" клублари қизиққан. Шунингдек, бу футболчининг "Бунёдкор"га ўтиши хусусида ҳам фикрлар билдирилаётганди. Мана энди масалага ойдинлик киритилиб, у "Рубин" таклифини маъқул деб топди.

**"КОППА КАРНЕВАЛЕ"ДАГИ
ЎЙИНЛАР САНАСИ МАЪЛУМ**

Виарежиодаги халқро турнир бўлиб ўтадиган саналар эълон қилинди.

Аввал хабар қилганимиздек, "Пахтакор"нинг ёшлар жамоаси 30 январ куни Италияга йўл олади. Биринчи учрашувни ёш футболчиларимиз 2 феврал куни Римнинг "Лацио" клубига қарши ўтказишди. Орадан икки кун ўтиб, Белгиянинг "Андерлехт" жамоаси билан куч синашди. 6 февралда эса Бергамонинг "Аталанта" клуби гуруҳдаги охириги рақибимиз бўлади. Шундан сўнг 12 гуруҳдан нимчорак финалга йўлланма олган 16 жамоа 9 феврал куни 1/8 финал баҳсларида майдонга тушади.

**"РУБИН" ХАМДУСТЛИК
КУБОГИ ГОЛИБИ**

Ҳамдустлик Кубоги финалида Қозғистоннинг "Актобе" клуби устидан 5:2 ҳисобида ишончли галабага эришган Қозоннинг "Рубин" клуби ўз тарихида биринчи марта ушбу мусобақа голибига айланди.

Ушбу баҳсада "Рубин" таркибида ўзбекистонлик Вадим Афонин ўйиннинг 88-дақиқасига қадар ҳаракат қилган. Ўзбекистон ёшлар терма жамоасининг собиқ аъзоси, ҳужумчи Даврон Мирзаев эса 78-дақиқада майдонга тушди.

"Рубин" (Россия) — "Актобе" (Қозғистон) — 5:2 (3:1).

Голлар: Портнягин, 4 (1:0), Эссомба, 12 (1:1), Жестоков, 40 (2:1), Яркин, 45 (3:1), Кенжисалиев, 49 (3:2), Портнягин, 60 (пен.) (4:2), Котляров, 86 (5:2).

**ТОҒ ЧАНҒИСИ БЎЙИЧА
ЎЗБЕКИСТОН КУБОГИ**

Чимёнда тоғ чанғиси бўйича Ўзбекистон кубоги мусобақасида мамлакатимизнинг энг кучли спортчилари куч синашди.

Мусобақа олимпия йўлланмаси соҳиблари — Ксения Григорева ҳамда Олег Шамаев учун жорий йилнинг 12-28 феврал кунлари Канаданинг Ванкувер шаҳрида бўладиган навбатдаги Қишки олимпиадага тайёргарлик вазифасини ўтади.

К.Григорева слалом-гигант баҳсларида қатнашган хотин-қизлар ўртасида энг яхши натижани қайд этиб, мусобақа голиби бўлди. Қолган совринли ўринлар Оксана Зуева ҳамда Мадина Расуловага насиб қилди. Слалом беллашувларида кучли учлик Светлана Баранова, Оксана Зуева ҳамда Татьяна Барановадан таркиб топди.

Эркаклар ўртасидаги слалом-гигант беллашувларида Олег Шамаев Артём Воронов ва Сафар Эгамбердиевни орта қолдириб, шохсупанинг юқори поғонасига кўтарилди. Слалом бўйича Артём Вороновга етадигани топилмади. Алишер Тойлибоев иккинчи ўринни эгаллаган бўлса, Константин Шенников бронза медал билан тақдирланди.

**ГРОССМЕЙСТЕРИМИЗ
ГОЛИБЛИККА ДАЪВОГАР**

Хиндистонда ўтказилаётган "Chennai Open-2010" халқро турнирида юртимиз шарафини ҳимоя қилаётган Марат Жумаев пешқадамлар сафида бормоқда.

У иккинчи партиядо мезбонлардан Редди Десптхамшга қарши қора доналарда ўйнаб, рақибини мот қилди. Учинчи турда яна бир хиндистонлик шахмат устаси — Баласуб Рамнатхандан устун келган вакилимиз мусобақа жадвалининг энг юқори поғонасидан жой эгаллади.

Халқро тоифадаги спорт устаси Нафиса Муминова ҳам мағлубиятсиз одимини давом эттирмоқда. У кетма-кет икки дурангдан сўнг учинчи турда мезбонлар вакили Камеш Варанни мағлуб этди.

ЁШ ТЕННИСЧИМИЗ ГАЛАБАСИ

Ўн олти ёшли Негмат Шофайзиев Бирлашган Араб Амирликларининг Абу Даби шаҳрида Халқро теннис федерацияси (ITF) томонидан ўсмирлар ўртасида ўтказилган халқро турнирнинг жуфтликлар баҳсларида голиб чиқди.

Мусобақанинг жуфтликлар беллашувида россиялик Владимир Поляков билан ҳамкорликда биринчи рақамли дуэтни ташкил қилган Н.Шофайзиев мусобақа финалида Италия вакиллари — Антонио Марсарелли ва Стефано Наполитанони таслим этиб, голибликни қўлга киритди.

Энди Н.Шофайзиев яна икки нафар истеъдодли теннисчимиз — Шухрат Гизатуллин ва Артём Арустамян билан бирга Фужайра (БАА) шаҳрида бошланган навбатдаги халқро турнирда қатнашади.

**АФРИКА КУБОГИ: ЯРИМ
ФИНАЛЧИЛАРНИНГ НОМИ МАЪЛУМ**

Ангола давлатида ўтказилаётган Африка кубогининг ярим финалчилари номи маълум бўлди. Унда Гана — Нигерия, Жазоир — Миср финалга чиқиш учун баҳс олиб боради.

Xabar

МУАССИС:

**ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА
АХБОРОТЛАШТИРИШ
АГЕНТЛИГИ**

**Бош муҳаррир:
Абдусайд КҮЧИМОВ**

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

- Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
- Бахтиёр КУБЕЕВ
- Шомансур ОБИДУҲАЕВ
- Миродил САГИЛЛОВ
- Шухрат СОДИҚОВ
- Лутфилло ТУРСУНОВ
(масъул котиб)
- Асаджон ХҲҲАЕВ
- Рустам ҚОСИМОВ
- Содиқжон ҚОСИМОВ

Газета
Ўзбекистон матбуот ва ахборот
агентлиги томонидан 0016 рақами
билан 2006 йил 6 декабрда
рўйхатга олинган.

Жума куни чиқади

МАНЗИЛИМИЗ:

100060, Тошкент-60,
Т. Шевченко кўчаси, 17-уй.
Тел.: 233-36-48; 236-35-29.
Факс: 236-36-42.
E-mail: info@xabar.uz

Таҳририятга келган қўлёзма ва
суратлар эгалирига қайтарибмайди.
Муаллифларнинг фикрлари
таҳририят фикридан фарқлашини
мумкин.

Нашримиздан кўчириб босилганда
"Xabar"дан олинганлиги
кўрсатилиши шарт.

Тижорий материал — 0
Реклама матнларининг тўғричилиги
таҳририят жавобгар эмас.

**Рақам ва далилларнинг
ҳаққонийлиги учун мақола
муаллифи масъулдир.**

Газетани тайёрлашда интернет
материалларидан ҳам фойдаланилади.

"Шарк" нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Тошкент шаҳри,
"Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

G-03 сонли буюртма.
Офсет усулида босилди.
Қозғоз бичими А-3, ҳажми
4 босма табақ.
Алади: 17803 нуска.

Баҳоси келишилган нарҳда.
Обуна индекси — 228.

Газета таҳририят компютер
базасида терилди ва саҳифаланди.

Дизайнер: Аслиддин БҲҲИЕВ.
Навбатчи: Усмовжон ЙҲҲДОШЕВ.

ISSN 2010-6424

Босишга топширилди — 20.00.
Босишга топширилиш вақти — 20.00.

1 3 4 5

Ўтганларнинг охириати обод бўлсин

"Ўзи-Термиз" филиали жамоаси филиал ҳуқуқшуноси Хуррам Қаршиевага турмуш ўртоғи
Мелихол ЖҲҲАЕВнинг
вафот этганлиги муносабати билан таъзия билдиради.

Тошкент ахборот технологиялари университети жамоаси ва бирлашган қасаба уюшмаси қўмитаси "Техник таълим педагогикаси" кафедраси профессори
Абдувоҳид ҚОСИМОВнинг
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ҳамдардлик билдиради.

Тошкент ахборот технологиялари университети жамоаси ва бирлашган қасаба уюшмаси қўмитаси "Ахборот технологиялари" кафедраси доценти Рустам Қобуловга отаси

Восил ҚОБУЛОВнинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

ОАТ «Алоқабанк» жамоаси банкнинг Хоразм филиали бошқарувчиси Арслон Абдиримовга отаси
Аҳмед НУРЖАНОВнинг
вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Ширин сўз шавобонаси



Оразин ёпкач кўзумдин сочилур хар лаҳза ёш,
Бўйлаким пайдо бўлур юлдуз, нихон бўлғач қуёш.

Ўзгирди шавобонини дейди шавобонаси...

Кут бир бодому ерим гўшан меҳроб эди,
Қорати дин этти ногаҳ бир балолик кўзу кош.
Бу дамодам охим ифшо айлар ул ой ишқини,
Субҳнунг бот-бот дами андоғки айлар меҳр фош.
Бўсае қилмас муруват, асру қаттиқдур лабинг,
Десам оғзи ичра айтур лаъл хам бор навъ тош.
Новакинг кўнглимга киргач жон талашмоқ бу экин,
Ким қилур пайқонини кўнглум била жоним талош.
Умри жовид истасанг фард ўлки, бўстон Хизридур,
Сарқим даъб айлади озодалик бирла маош.
Қоши олинди Навоий берса жон, айб этмангиз,
Гар будур меҳроб, бир-бир кўйгусидир барча бош.

Ширин сўз шавобонаси

Қон ютуб умри жаҳон ахлида бир ёр истадим,
Лекин ул камрак топилди, гарчи бисёр истадим.
Кимга ким жоним фидо айлаб соғиндим дам-бадам,
Эрмас эрди ёрликда чун вафодор истадим.
Билмадим олам элида йўқтурур мутлак вафо,
Ваҳки, умри улча йўқтур соғиниб ёр истадим.
Ўлки, топилмас башар жинсида ваҳ ғафлат кўрунг,
Ким пари хайлида мен девонаи зор истадим.
Сирри ишқимни кўнгул кўз бирла фош этмак не тонг,
Қалбу тардомани мен чун соҳиб асрор истадим.
Шайх бирла хонақаҳдин чун ёруғлук топмадим,
Дайр пири хизматиға кўйи хаммор истадим.
Эй Навоий, чун рафиқи топмадим, бу ғуссадин,
Ўзни бекаслик балосига гирифторм истадим.

ALISHER NAVOIY TAVALLUDINING 569 YILLIGIGA

Тил ширинлиги — кўнглига ёқимлидир; мулоимлиги эса — фойдали. Чучук тил аччиқка айланса кўпчиликка зарари тегади; қандан май тайёрланса харом бўлади. Ширин сўз соф кўнгишлар учун асал каби тотлидир; болалар учун мулоим табиатли одам — халвофуруш каби сеvimлидир.

Ёлғон гапириш билан ўз вақтини ўтказувчи одам, бу қилиғи ёмон туюлиш ўрнига, кишиларни алдагани билан фахрланади ҳам. Ёлғончи ўз гапига гўллик билан қулук солувчини топса, уларга ёлғон чинга ўтказса, мулоимга етган бўлади. Ёлғончи — Ҳақ қошида гуноҳкор; халқ олдига шарманда. Бундай нахснинг беор юзи ёмонликка ўтирилган бўлади; бундай нахсга ботган одам қутлуг уйдан нари бўлмай.

Кимки, ёлғон сўзни бировга тўнкагай, ўз қора юзини ёғга булайди. Озгина ёлғон ҳам улур гуноҳдир; озгина захар ҳам халок қилувчидир.

Уердан бу ерга гап ташувчилар элнинг гуноҳини ўз бўйнига олувчилардир. Чакимчилик хатто чин гап бўлса ҳам кўнгишдир, ёлғон бўлса янада нафратлидир. Сўз етказувчининг хоҳ қаттаси, хоҳ қичиги — дўзах ўтининг тутантуруғи бил.

Очиқ чехрали одам — иккиюзламачиликдек нуқ сондан йироқ бўлади... Очиқ юздан халойиққа хурсандлик; чучук сўздан эл-юртга хуррамлик. Одамийлик билан кўнгишларга сеvimли; инсонийлик билан жонларга ёқимли. Ундан дўст-душман хотиржам. Бундай киши умридан барақа топмай.

Душман алдовига ўчма; маллоҳ хушомадини чин дема. Душманнинг ғарази ўз ёмон ниятига етмоқдир; мактовчининг максоди — хорлик билан сендан инъом олмақдир. Агар иккаласига илтифот қилмасанг ва қабул қилишни лозим билмасанг, бири ўз максадининг ижросидан тўхтайдиган ва тадбири мужмал бўлади ва иккинчисининг мактови хажвга айланади.

MOBIL ALOQA KORXONALARIDA

“MTS-ЎЗБЕКИСТОН”: ЯНГИ «SMS-TO-E-MAIL» ХИЗМАТИ

“MTS-Ўзбекистон” компанияси янги «SMS-to-e-mail» хизматини ишга туширди, бу хизмат ёрдамида мобил телефонидан матнли хабарларни электрон почта манзилига юбориш қулай ва фойдалидир.



Янги хизмат компания абонентлариға ўз дўстлари ва яқинларининг электрон манзилига SMS-хабарларни тез ва қулай юбориш имконини беради. Бунинг учун абонентлар («Кимга» дейилган жойда) қисқа 500 сервис рақамига SMS-хабар юборишлари керак, хабар матнида эса аввал XXXXX@XXXX.XX шаклида қабул қилувчининг e-mail манзилини ёзишлари, сўнгра бўш жой қолдириб, хабар матнини теришлари зарур. Ўз e-mail манзилига SMS-хабарни қабул қилган абонент қуйидаги матнни кўради: «+998XXXXXXXX»дан хабар келди, бу ерда XXXXXXXXXX — хабар юборувчи рақамидир.

«SMS-to-e-mail» хизматини фаоллаштириш керак эмас — ундан MTSнинг Ўзбекистондаги барча мижозлари тўридан-тўри фойдаланишлари мумкин.

Яқинда Coscom МЧЖ ХК (Ucell савдо белгиси остида хизмат кўрсатади) ходимлари Тошкент вилояти Бўка шаҳридаги 15-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари учун хайрия тadbирини ташкил қилди. Ушбу тadbир “Ucell болаларга эртақ хадя қилмоқда” шиори остида ўтди.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож болалар учун Ucellнинг барча ходимлари ўз улушларини қўшди. Бир ҳафта мобайнида улар молиявий маблағ, ўйинчоқлар, кийим-кечак, ақл-заковатни ривожлантирувчи ўйинлар ва бошқа нарсаларни олиб келдилар. Компаниянинг ҳамкорлари ёрдамида ёзув-чизув асбоблари, болалар учун китоблар ва кийим-кечак сотиб олинди.

Болаларга эртақ ташкил қилиш учун ҳақиқий “сеҳрлар” ҳам келди. Чунки энг асосийси — сеҳрли байрамда қувноқ болаларни кўриши эди.

Ўша кунни ширинликларга тўла дастурхон

UCELL БОЛАЛАРГА ЭРТАҚ ХАДЯ ЭТДИ



ёзилди, қувноқ томошалар уюштирилди. Болалар рақсга тушиб, ўйинларда ишгирик этиб, турли совғалар ютиб олишди.

Ушбу хайрия ишини амалга оширишда Ucellга “Orange Media”, “To the point” ва “Motivation Jet” ҳамкор компаниялар яқиндан ёрдам беришди.

“GOLFSTREAM” ХИЗМАТЛАРИ УЧУН “БИЛАЙН” ИДОРАЛАРИДА ҲАҚ ТўЛАШ МУМКИН



“GolfSTREAM” абонентлари учун интернетга кенг полосали уланиш хизматлариға ҳақ тўлаш имкони кенгайди.

20 январда “Билайн”нинг Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 1-уйда жойлашган марказий идорасида “GolfSTREAM” хизматлари учун тўланадиган ҳақни қабул қилувчи касса очилди.

Яқин вақт ичида “Билайн” марказий идорасида “шаҳарлараро+интернет” тўлов картасини сотиш, шунингдек, “Бузгон” кўзалмас алоқа хизматлари учун тўланадиган ҳақни қабул қилиш йўлга қўйилди.